Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 23 ноябрь, сешанба № 222—223 (21.574). Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ БУЮК БРИТАНИЯГА ЖЎНАБ КЕТДИ

22 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов расмий-амалий ташриф билан Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигига жўнаб кетди.

Тошкент тайёрагоҳида Президентни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг раиси Ш. Йўлдошев, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари М. Умурзоқов, А. Азизхўжаев, Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).



ҲАМИША ИЛҒОРЛАР САФИДА

Муҳаббат Азимова Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш фабрикаси ишчиси. У меҳнат қилаётган 3-цехда Муҳаббатнинг номини ҳамиша ҳурмат билан тилга олишади. Муҳаббат ишда илғорлиги, жамоат ишларида фаоллиги билан бир қаторда ҳамкасбларидан ҳам ёрдамини аямайди. Кечагина Тошкентдаги 9-ҳунар техника билим юртини битириб ишни шогирдликдан бошлаган Муҳаббат бугун ўзи қатор шогирдларга устоз.

А. ТЎРАЕВ олган сурат.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ОНА ВАТАН КЕЧА БУГУН ЭРТАГА



Ҳамкорлик

ҚИЗҒИН МУНОЗАРА

МДҲ мамлакатларида ҳисоб-китоб ва ҳисобот бўйича мувофиқлаштириш кенгаши Самарқандда ўз ишини якунлади.

Мажлисларда ҳисоб-китоб ва аудит бўйича қонунчиликнинг асосий унсурлари муҳокама қилинди. БМТ, иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти, шунингдек, МДҲ мутахассислари ўртасида қизғин ҳамда фойдали баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди.

Хайрли ишлар

ИНСТИТУТГА ЯНГИ НОМ

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгашининг қарорига биноан Нукус давлат педагогика институтига қорақалпоқ адабиёти классиги Ажиниёз номи берилди.

Келгуси йили Ажиниёз таваллудининг 170 йиллиги нишонланади. У инсонпарварлик ғоялари, чинакам ватанпарварлик ва демократияни тараннум этган лирик шоир эди.

Соғлом авлод

ЯНГИ ЛИЦЕЙ

Хонқа туманида меҳмонхонада хизмат кўрсатиш ва сайёҳлик бўйича мутахассислар тайёрлайдиган Ўзбекистон—Туркия лицейи очилди.

Тест усулида ўтказилган мураккаб синов туман марказидаги йигит-қизларнинг энг муносибларини аниқлаб берди. Ўқув дастурига ахлоқ-одоб қоидалари, сеҳрни ўстирувчи махсус машқлар ҳам киритилган.

Иқтисодиёт

«БАНК ВА ҚОНУН» ТАНЛОВИ

Республика марказий банки Андижон вилояти бошқармаси бўлимлари ва операция марказининг 19 командаси икки ой давом этган «Банк ва қонун» танловини якунлади.

Танлов шартига кўра унинг қатнашчилари ўз фаолиятларига доир қўлланма, низом ва бошқа ҳужжатларни, банк ишига дахлдор атамалар ҳамда шу соҳада амал қиладиган қонунларни яхши билишини намойиш қилишлари керак эди. Бошқарманинг Бобур бўлими вакиллари биринчи, Бўз тумани бўлими иккинчи, Балиқчи туманининг Чинобод бўлими учинчи ўринни эгаллади.

Халқаро кўргазма

КУМУШ МЕДАЛЬ НАСИБ ЭТДИ

Тэжондаги «ЭКСПО—93» халқаро кўргазмада Ўзбекистон Республикаси экспозицияси кумуш медаль билан тақдирланди.

Бу нишон Республикамиз учун алоҳида қимматга эга. Бу билан фан, техника ва технологияларнинг энг янги ютуқлари жаҳон кўригида мустақил давлатимиз сазовор бўладиган мукофотлар рўйхати бошланди дейиш мумкин. Мазкур кўргазмада 109 мамлакат ва 33 халқаро ташкилот қатнашган эди. Ўзбекистон халқаро кўргазмада биринчи марта иштирок этди.

Байналмилаллик

«ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ»

Москвадаги «Россия» марказий давлат концерт залида ана шундай шиор остида Мустақил Давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари санъат усталари иштирокида катта концерт бўлди.

Россия Федерацияси Маданият вазирлиги ва Халқаро маданият маркази уюштирган бу тадбир дастуридан кўп миллатли МДҲга аъзо мамлакатлар санъат усталари ижросидаги мазмунли ва жозибадор замонавий эстрада қўшиқлари ўрин олди. Санъат усталари ва таниқли дасталар иштирокида ўтказилган тантана ўзига хос байрамга айланди. Таклиф қилинган жамоалар, санъаткор ва созандалар орасида Иосиф Кобзон, Геннадий Хазанов, Роза Римбаева, Фаррух Зокиров бошчилигидаги Ўзбекистоннинг «Ялла» дастаси, Қозоғистоннинг «Солистлар академияси» оркестри, Тожикистоннинг «Сафти ҳатлон» дастаси ва бошқа жамоалар бор эди.

Ойнан жаҳон

ФАРҒОНА ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

Фарғонада шаҳар телевидениеси иш бошлади.

Ҳафтада икки марта намойиш этиладиган кўрсатувлар дастуридан шаҳарнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ва маърифий ҳаётидаги янгиликлар, ёшлар ижросидаги концертлар ўрин олган. Телевидениенинг Марғилон ва Наманган шаҳарларида ҳам мухбирлари бор.

[Мухбирлар ва ЎзА хабарлари ҳамда хатлар асосида тайёрланди].

янгиликлар воқеалар хабарлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

1993 ЙИЛ 1 ДЕКАБРДАН ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАР МИҚДОРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1993 йил 1 декабрдан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақи ўрта ҳисобда 1,5 баравар оширилиб, иш ҳақининг энг кам миқдори 24.300 сўм-купон;

фуқароларнинг солиқ солинмайдиган даромадлари ойига 24.300 сўм-купон миқдорида;

ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсияларнинг миқдорини 1,5 баравар кўпайтириб, пенсиянинг энг кам миқдори ойига 26.300 сўм-купон қилиб белгиласин.

2. Олий ўқув юртлари талабаларининг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларининг стипендиялари 1,5 баравар оширилиб, бунда талабалар ошхоналари ва буфетларидаги тушликлар қийматидан 50 фоизли чегирма сақлаб қолинсин.

3. Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар ходимларининг мансаб оклади ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар, бунда меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича ягона тариф сеткаси разрядларига мувофиқ ушбу фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорига амал қилинсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсиялар миқдори ушбу фармонга мувофиқ қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджетдан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ харажатларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Мулкчилик шаклларидан қатъи назар хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотларга мазкур фармонга мувофиқ даромад манбаларини қидириб топишларига қараб, бундай манбалар вақтинча етарли бўлмаганда эса банк муассасалари томонидан аниқ мақсадни кўзлаб бериладиган кредитлар ҳисобига меҳнат ҳақини ошириш тавсия этилсин.

7. Ушбу фармон бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори

РЕСПУБЛИКАДА ИСТЕЪМОЛ БОЗОРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ВА ПУЛ МУОМАЛАСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРАЛАР ТЎҒРИСИДА

СССР Давлат банки ва Россия банкининг 1961—1992 йиллар нусхасидаги қоғоз пулларни собиқ СССРнинг амалда барча мамлакатларида муомаладан тўхтатилганлиги муносабати билан ва республикада ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда пул муомаласини мустаҳкамлаш мақсадида, шунингдек мазкур масала юзасидан илгари қабул қилинган қарорларга қўшимча равишда Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Белгилаб қўйилсинки, 1993 йилнинг ноябрь ойи учун навбатдаги иш ҳақи ва бошқа пул тўловлари шу йилнинг 29 ноябридан бошлаб тўлиқ «Сўм-Купонлар» билан тўланади.

2. 1993 йилнинг 1 декабридан Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида СССР Давлат банкининг 1991—1992 йиллар нусхасидаги қиймати 200, 500 ва 1000 рубль бўлган қоғоз пулларини барча турдаги тўловларга қабул қилиш тўхтатилиши белгилаб қўйилсин.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қўлида муомалада бўлган мазкур қийматлардаги қоғоз пуллардан қуйидагича фойдаланиш мумкин:

а) 1993 йилнинг 1 декабригача — Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги 550-сон қарорига мувофиқ (ушбу қарорнинг 1-иловасига кирмаган, қиймати 25 минг рублгача бўлган товарлар ва хизматлар ҳақини тўлашда);

б) Жамғарма банкининг ҳамма муассасалари томонидан Ўзбекистон Республикасининг доимий прописка бўлган фуқароларидан қуйидаги тартибда қабул қилинади:

— биринчи марта омонатга пул қўювчи фуқаролар учун пуллар 200 минг рублгача миқдорда — 1993 йил 4 декабргача қабул қилинади;

— шахсий счетлари бўлган фуқаролар учун 1993 йилнинг 1 декабридан 4 декабригача ўз омонатларини 200, 500, 1000 рублик пуллар билан 200 минг рублга қадар етказиб тўлдиришларига рухсат берилади;

— 200 минг рублдан ошадиган маблағ 1993 йилнинг 4 декабрига қадар алоҳида махсус фоизсиз счетга чекловларсиз ўтказилади.

3. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки 1993 йилнинг 1 декабридан бошлаб СССР Давлат банкининг 1991—1992 йиллар нусхасидаги қиймати 200, 500 ва 1000 рубль бўлган қоғоз пулларини муомалага чиқаришни тўхтатсин ҳамда корхоналар, бирлашмалар, ташкилотларнинг шу қийматдаги қоғоз пулларнинг кассалардаги қолдиқларини топшириш тартибини белгиласин.

4. СССР Давлат банкининг 1961—1992 йиллар нусхасидаги қиймати 1, 3, 5, 10, 25, 50 ва 100 рубль бўлган ғазна ва банк қоғоз пулларидан баравар тўлов воситаси сифатида чекловларсиз фойдаланиш борасида аввал белгиланган тартиб сақлаб қолинсин.

5. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги, Марказий банки ва Жамғарма банки аҳолининг омонатларидан «Сўм-Купонлар» бериш тартиби ва муддатлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

6. Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки, Жамғарма банки, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ушбу қарорнинг ижроси устидан қаттиқ назоратни таъминласинлар.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 ноябрь.

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг пленуми бўлди. Унда пул ислоҳоти амалга оширилаётган ҳозирги шароитда нақд пулларни ғайриқонуний равишда республикага олиб келиш ва товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш билан боғлиқ жиноятларга амалдаги қонунга биноан қатъий жазо чораларини қўллаш масаласи кўрилди. Қуйида пленумнинг мазкур масала юзасидан қарори эълон қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг қарори

РЕСПУБЛИКАДАН ТАШҚАРИГА ТОВАР-МОДДИЙ БОЙЛИКЛАРНИ ОЛИБ ЧИҚИШ ВА РЕСПУБЛИКАГА НАҚД РУБЛЛАРНИ ОЛИБ КЕЛИШ ТАРТИБЛАРИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ҚОНУНЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ТЎҒРИСИДА

Пленум пул ислоҳоти амалга оширилаётган шароитда республика ҳудудига 1961—1992 йиллар нусхасидаги нақд рубларни ғайриқонуний равишда олиб келиш, товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш тартибларини бузиш жамият учун катта хавф туғдиришини, иқтисодиётга ва фуқароларнинг манфаатларига жиддий зарар етказишини таъкидлайди.

Суд амалиётини ўрганиш тергов органлари ва судлар кўп ҳолларда қайд этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи амалдаги қонунларни тўла равишда қўлламаётганини кўрсатди. Кўпинча ана шундай жиноий ишларнинг ташкилотчилари, ёрдамчилари, уларга имконият яратиб берган, божхона чегараси орқали нақд рубларни, наркотик воситаларни, қуролларни олиб келишнинг, товар-моддий бойликлар четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш чорасини кўрмаган мансабдор шахслар жазоланмасдан қолмоқда. Иш ва материалларни кўриб чиқишда сансоларликка йўл қўйиш, айбдорларга нисбатан асоссиз равишда енгил жазо тайинлаш ҳоллари ҳам мавжуд. Пленум қарор қилади:

1. Судларга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 12 ноябрдаги 550-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «сўм-купон»ларни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ 1961—1992 йиллар нусхасидаги нақд рубларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келиш тақиқлангани тушунтирилсин. Ушбу норматив актни бузишни валюта операциялари тўғрисидаги қоидаларни бузиш деб баҳолаш ва Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 78—1-моддаси билан квалификациялаш лозим.

Шу қарор билан нақд рубларнинг муомалада бўлиши ва уни фуқаролардан қабул қилиш тартиби белгиланган. Банк муассасалари, савдо, корхона ва ташкилот ходимлари томонидан бу тартибларни бузишни ҳам жиноят кодексининг қайд этилган моддасига биноан, зарур ҳолларда мансабдор шахс томонидан ўзининг хизмат мансабини суиистеъмол қилиш деб баҳолаш керак.

Ушбу туркумдаги ишларни кўришда судлар айбдор мансабдор шахсларни товар-моддий бойликларни тасарруф қилиш билан боғлиқ мансабни эгаллаш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиши шарт.

2. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 179—2-моддаси товар-моддий бойликларни республикадан олиб чиқиш борасида белгиланган тартибни бузганлик учун татбиқ этилиши тушунтирилсин.

Товар-моддий бойликларни Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш тартиби тегишли ҳукумат қарорлари ва божхона қоидалари билан ўрнатилади. Шу сабабли тергов органлари ва судлар ҳар бир иш бўйича маҳсулотларни четга олиб чиқишнинг қайси қоидаси бузилганини аниқлашлари лозим.

Жиноят-процессуал қонунларга мувофиқ тергов органлари ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётган товар-моддий бойликлар олинган манбаалларни ва қандай мақсадда олинганини синчиклаб текшириб аниқлашлари шарт. Агарда бу бойликлар талон-торож қилиш натижасида ёки бошқа жиноий йўл билан олинган ёинки товарлар келажакда чайқовчилик қилиш мақсадида олинган бўлса, айбдор шахсларнинг ҳаракатларини 179—2-модда ва Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг тегишли моддалари йиғиндиси билан баҳолаш лозим.

3. Товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига олиб чиқиш тартибларини бузиш тўғрисидаги ишларни тергов қилишда ва судда кўришда бундай ҳуқуқбузарликларни содир этишга алоқаси бўлган барча шахсларни аниқлаш зарур. Жиноятларга йўл қўйган, шунингдек уларни олдини олиш чораларини кўрмаган мансабдор шахслар хизмат мансабини суиистеъмол қилганлик ёки хизматига совуққонлик билан қараганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Товар-моддий бойликларни республикадан ташқарига ғайриқонуний равишда олиб чиқиб кетилаётганини билгани ҳолда транспорт воситаси билан таъминлаган мансабдор шахснинг ҳаракатлари шу жиноятда иштирокчи тариқасида баҳоланиши лозим.

Маҳсулотларни ғайриқонуний равишда республикадан ташқарига олиб чиқишда фойдаланилган фуқароларнинг транспорт воситалари жиноят қуроли сифатида мусодара қилиниши керак.

4. Ўзбекистон Республикасининг божхона қонуни қабул қилгунга қадар республикага товар-моддий бойликларни ва пул маблағларини олиб келиш ва олиб чиқиш тартибларини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 10 августдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида ташқи иқтисодий фаолиятни рағбатлантириш, хорижий сармояларни жалб этиш ва ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1992 йил 24 июлда қабул қилинган фармонларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишларига, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексга амал қилиш лозимлиги судларга тушунтирилсин.

СССР божхона кодекси ва «Божхона тарифлари тўғрисида»ги СССР қонуни қоидаларининг Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган қисмлари судлар томонидан қўлланилиши мумкин.

5. Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекснинг 233—1, 244-моддаларига мувофиқ 166—2-моддада (товар-моддий бойликларни олиб чиқиб кетишнинг белгиланган тартибини бузиш) ва 209-моддада (божхона қоидаларини бузиш) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар, бу ҳуқуқбузарлик фуқаро ёки юридик шахс томонидан бузилганидан қатъи назар, божхона органлари томонидан кўрилади.

Шу муносабат билан корхона, муассаса ёки ташкилот томонидан содир қилинган қайд этилган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишлар судларга тегишли эмас ва божхона органлари томонидан кўрилиши лозим. СССР божхона кодексининг 118-моддаси, бу ҳолатда, Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлгани сабабли қўлланилмайди.

6. Республика ҳудудига 1961—1992 йиллар нусхасидаги нақд рубль пул намуналарини ғайриқонуний равишда олиб келиш, товар-моддий бойликларни четга олиб чиқиш катта хавф туғдиришини эътиборга олиб, судлар бу ҳуқуқбузарликлар ташкилотчиларига ва унинг ашаддий иштирокчиларига қонунда назарда тутилган қатъий жазо чораларини қўллашни таъминлашлари керак.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди, вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди тегишли суд назоратини таъминлаши, ушбу тоифадаги ишлар бўйича суд амалиётини доимий равишда таҳлил этиши, йўл қўйилаётган камчиликларнинг олдини олиш чораларини кўриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси

У. МИНГБОЕВ.

Пленум котиби,
Ўзбекистон Республикаси Олий судининг аъзоси.

И. ТУРСУНБОЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш, учишда хавфсизликни таъминлаш ҳамда халқаро ҳаво қатновини йўлга қўйишдаги алоҳида хизматлари учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг учувчилари ва ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатиш ходимларига Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвони берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими»

Асадов Анвар Ҳалимтоевич — 1-учиш отряди ИЛ—62 самолётининг штурмани

Лебедев Анатолий Степанович — 1-учиш отряди ИЛ—62 самолётининг бортрадисти

Тян Валерий Николаевич — авиакомпания бош директорининг ўринбосари

Бир гуруҳ ходимлар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Арапбоев Абдулла Реймбоевич — учиш комплексининг директори

Атланов Виктор Владимирович — 1-учиш отряди 3-авиаэскадрильяси командирининг ўринбосари

Ли Анатолий Инсебович — учиш комплексининг бош штурмани

Луцук Владимир Остапович — 1-учиш отряди ИЛ—62 самолётининг командири

Солихонов Сойбхон — 1-учиш отрядии ИЛ—62 самолётининг штурмани

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 22 ноябрь.

КЎКСИМИЗДА ВАТАН ЯШАЙДИ

Бугун мустақил Ўзбекистоннинг ҳар битта фуқароси шундай демоққа ҳақли. Чунки биз катта йўлга чиқиб олдик. Мамлакатимизни дунё таний бошлади. Жаҳоннинг нуфузли минбарларида ўзбекнинг ҳам ўз овози янграй бошлади. Албатта нурли, ёруғ кунларга етиб боргунимизча ҳали ҳар хил ташвиш ва қийинчиликлар учраши табиий. Хўш, истиқлолни янада мустаҳкамлаш ва уни ҳимоя қилиш йўлида олдимизда яна қандай асосий вазифалар турибди? Истиқлол мафкурасини яратиш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар қандай давом этмоқда? Элдошларимиз, қолаверса, ижодкорлар бу масалага қандай муносабат билдиришяпти?

Шу муносабат билан биз таҳририятимизда бир гуруҳ шоирлар билан давра суҳбати ўтказдик. Бу мулоқотда шоирлардан Миразиз АЪЗАМ, Анвар ОБИДЖОН, Икром ОТАМЎРОД, Сирожиддин САИИИД, Зебо МИРЗАЕВА, Ғулом МИРЗО, Иқбол МИРЗО, Сирожиддин РАУФлар иштирок этишди. Давра суҳбатини «Ўзбекистон овози» газетасининг Бош муҳаррири Азим СУЮН бошлаб берди ва олиб борди.

(Ана шу мулоқотни газетамизнинг 5-саҳифасида ўқийсиз).

янгиликлар воқеалар хабарлар

• *Партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари—*

муштарийлар муҳокамасида

Барот БОЙҚОБИЛОВ

ИНСОН ҚАДРИ ВА МИЛЛИЙ ҒУРУР

Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов раҳбарлигида мустақил Ўзбекистонда миллий давлатчилик ва миллий мафкура янги тарихий шароитда янгитдан вужудга келмоқда. Ўзбек миллий давлатчилигининг жаҳон аро сиёсий йўли, ўз қарашлари, умуминсоний қадриятлар ва халқ ҳокимиятига асос бўладиган мафкурасини вужудга келтириш масаласи юртбошимизнинг бир гуруҳ адиблар билан қилган суҳбати чоғида долзарб масала қилиб қўйилди. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назарида ҳам ўз ифодасини топди. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура» номли китобида ҳам бу масала янада чуқурроқ таҳлил этилди. Мафкурамизнинг асосий йўналиши белгилаб берилди. Зеро, Президент айтганидай: **«Миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, дилига, руҳиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдириш лозим».**

Юртбошимизнинг ички ва ташқи сиёсатни юргизишда миллий мафкурамиз мазмун-моҳияти билан ўзлигимизни англатиб турсин деган, мазмундаги ўгитлари биз учун дастуриламалдир.

Ўзбекистоннинг Мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилгани, миллий давлатчилигини равнақ топтиришда ўзига хос йўлдан бораётгани давримизнинг буюк тарихий воқеасидир. Республика иқтисодий ҳаётини тубдан ислоҳ қилиб, бошқарув тизимини ўзгартириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг боришини янги ўзанга буриш, кўп миллатли мамлакат аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари, қадр-қиммати, туб аҳоли манфаати, миллий маданият, тарихга муносабат, ишлаб чиқариш ва иқтисодни бошқариш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, мамлакат таянчи ҳисобланган келажак авлод тарбияси — буларнинг барчаси янгиланган тарихий шароитда ёш мамлакатнинг янги, миллий мафкурасини яратишга асос бўлади.

Мафкура мазмун-моҳияти билан мамлакат аҳолиси кўпчилик қисмининг ҳоҳиш-истаклари, мақсади ва манфаатини ўзида мужассам этган қарашлар ва ғоялар тизимидир. Ана шу тизим мамлакат тарихи ва унинг халқи ўтмиши билан шу халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари, соғлом турмуш тарзи билан нечоғлик чуқур боғланган бўлса, шу қадар инсонпарвар ва яшовчан бўлади.

Маълумки, ўзбек халқи миллат сифатида жаҳоннинг энг қадимий ва жуда катта маънавий меросга эга, жаҳон маданияти тараққиётига ғоятда кучли таъсир этган, маданий, маърифий, сиёсий ва ғоявий бойликка эга бўлган халқлардан бири. Шу сабабдан ҳам минг йиллар мобайнида шаклланган бундай улкан мерос ўрганилиб, эзгу анъаналар давом эттирилиб, давлатимизнинг янги мафкурасини яратиш кун тартибида турибди. Бу муҳим вазифа жаҳондаги энг илғор мамлакатларнинг давлат сиёсатини чуқур таҳлил этиш асосида миллий давлатимиз сиёсатини вужудга келтиришни тақозо этмоқда.

Ўтмишини унутган халқ ўзлигини унутади. Шунинг учун ҳам инсон баркамоллигини белгиловчи иймон, эътиқод, инсоф, виждон, сахийлик, самимийлик, камтаринлик каби маънавият чашмаларининг кўзи бекилиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Чунки халқимизнинг ана шу тоза чашмаларидан баҳра олмаган одамларнинг маънавияти пок бўлиши даргумон.

«Мулоқот» журнали миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишга ҳисса қўшишга муайян саъй-ҳаракат қилиб келмоқда. Бундай қутлуғ ва масъулиятли ишга етук мутахассислар, зиёлилар жалб этилди. Бу даъватга биринчилардан бўлиб атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, марҳум Ҳайдар Пўлатов лаббай деб жавоб берди ва ўзининг жиддий, теран фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ўртага ташлади. Шундан сўнг файласуф Абдуқодир Зоҳидов, иқтисодчи Ҳасанохун Мусаев миллий истиқлол мафкураси ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Мустақиллик шароитида миллий мафкуранинг ўрни ва кўлами ҳақида лозим таклифлар ўртага ташланди.

Ҳайдар Пўлатовнинг «Ўзбек мафкураси» мақоласида айтилганидек, энг оғир, қатағон йилларида ҳам ақли расо, комил одамлар жумҳуриятга ўз номини берган ўзбек миллатига, унинг ўтмиши, ҳозири ва истиқболига лоқайд қарамаганлар. «Чунки она-Ватани, қадрдон халқи иқболи ва тақдирига бефарқ бўлишнинг, ўз халқи қайғу-алами, орзу, умиди ва қувончига шерик бўлмасликнинг гуноҳи оқпадарликдан ҳам оғирдир».

Ҳайдар Пўлатов таъкидлаганидек, «ҳар бир инсон ўз киндик қони тўкилган азиз тупроқни, аждодлари қилич, қалқон билан сақлаб қолган Ватани, ўзига тил, маданий камолат ва сиёсий тафаккур берган миллатини, унинг буюк давлат арбоблари, саркардалари, улуғ алломаларини ҳеч қачон унутмаслиги керак. Ўз миллий мансублигини унутган, ўз миллатининг истиқболи учун қайғурмайдиган, курашмайдиган кишининг ҳаёти бехосият ҳаётдир».

Ва аксинча, ўз миллати, халқининг оғирини енгил қилиш, мушкулларини осон этишга ҳисса қўшиш истаги билан яшайдиган инсон ҳақиқий миллатпарвардир.

Мустақил республикамиз раҳбарларига ҳам осон тутмайлик. Чунки, ёш давлатимиз ҳали собиқ Марказнинг ҳарбий, иқтисодий қудрати олдида эндигина тетапоя бўлаётир. У келгусида чинакам етилиб, Президентимиз башорат қилганларидек «келажаги буюк давлат»га айлангунича ҳамжиҳат бўлиб, матонат билан ишлаш зарур бўлади.

Бу ишларнинг кўпчилиги яна миллий мафкурага тақалади. Мустамлака даврида байналмилалчилик ниқоби остида Ўрта Осиё республикаларига бошқа миллат вакиллари кўплаб оқиб келаверди. Айниқса, Ўзбекистонда улар юқори лавозимларни эгаллаб олишди. Туб аҳоли эса фақат иш бажарувчилар сифатида, ишлаб чиқаришда банд бўлиб қолаверди. Минг шукурлар бўлсинки, Мустақиллик шарофати билан бундай хатоликларга чек қўйилмоқда. Бироқ, миллий мафкурани шакллантириш ва амалга ошириш учун миллатимизга ёт бўлган бир қатор иллатлардан ҳам қутулиш зарур бўлади. Булар: лоқайдлик, лаганбардорлик, мутеълик, меҳр-оқибатсизлик каби иллатлардир. Ватандошига, миллатдошига хайриҳоҳ бўлиб қўллаб-қувватлаш ўрнига ҳасад, адоват, зимдан душманлик қилиш, худбинлик, ўз ватандошини шилиш ҳисобига мол-дунё орттириш каби иллатлардан қутулишимиз керак.

Миллий истиқлол мафкурасининг бош вазифаларидан бири халқнинг сиёсий маданиятини юксалтиришдан иборатдир. Бунинг учун, энг аввало, миллий онгни ўстириш лозим. Миллий онг юксалса, инсон ўзини ўзи англайди жамиятда тутган ўрнини билади, ўз қадр-қимматини тушунади, миллий ғурури уйғонади. Ватан ва халқ туйғуси, ватанпарварлик ва инсонпарварлик, миллий бирлик ва миллий масъулият ҳислари, қадр-қиммати туйғулари қон томирларида жўш ура бошлайди.

Миллий ўзлигимизни англаш учун, аввало, биз қадимдан ўз давлатимизга эга бўлган халқ эканимизни, ўзимизга хос миллий давлатчилик анъаналаримиз борлигини билишимиз, буюк аждодларимиз тарихини ўрганишимиз ва уларнинг бебаҳо меросидан баҳраманд бўлишимиз, Афросиёб, Қорахонийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқалардан тортиб, Амир Темур ва Бобурийлар давлатчилик тизими ҳамда уларнинг инсонпарвар, юксак маданият ва маънавиятга асосланган ғояларини илмий назарий жиҳатдан ўрганилиши лозим.

Ўзбекистон давлат сифатида XX аср охирида биринчи марта мустақиллигини эълон қилган кундан буён ўтган даврнинг, муҳтарам Президентимиз олиб бораётган халқ тинчлиги ва истиқболини кўзлаган сиёсатнинг асл моҳиятини ва мақсадини тўла тушуниб етмоқ лозим.

Мустақилликнинг маънавий заминини ҳосил қилиш ва мустаҳкамлаш халқ орасида кенг кўламда маърифат ишларини олиб боришни тақозо этади.

Мустақиллик манфаатлари учун маънавий қолоқлик ҳолатига барҳам бермоқ, халқнинг умумий маданиятй даражасини, миллий онгини янги босқичга кўтармоғимиз керак. Бунинг учун дастлаб ўзбек зиёлилари ҳамжиҳат бўлиши, фан ва маданиятни юксалтириш, илм ва маърифатини кенг тарғиб қилиш, кишиларнинг маънавий баркамоллиги юксалишига, маданий эҳтиёжлар ўсишига таъсир кўрсатиш керак.

Ўзбекистон доимо кўп миллатли давлат бўлган, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Истиқлол мафкурасининг асосий вазифаларидан бири миллатлар ўртасидаги тотувлик, аҳиллик, бирликни сақлашдир. Ғайридинларга ҳам бекорга озор бермаслик расулуллоҳ шиоридур Динидан, ирқидан қатъи назар ҳар бир фуқаро Ўзбекистонни ўзининг севимли Ватани деб билмоғи, бор куч-ғайрати, қобилиятини шу Ватан равнақига сарф этмоғи керак.

Турли миллатга мансуб кишиларнинг бирлиги, аҳиллиги эса халқлар ўртасидаги биродарликни, дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Иттифоқдан чиққанимиз билан халқлар дўстлиги ғоясидан чекинганимиз йўқ. Ўзбекистонда яшаётган халқларнинг барча ҳорижий халқлар билан бўлган дўстлигини янада мустаҳкамлаш ҳақида ўйлаш зарур.

Ўзбекистон фуқаролари, асосан, ўзбеклар бўлиши билан бирга, бу заминда азалдан тожик, қозоқ, туркман, қирғиз ўзбек билан ёнма-ён яшаб келган. Мустақиллик шароитида биз миллий манфаат деганимизда — Ўзбекистон фуқароси бўлган барча халқлар манфаатини тушунамиз.

Миллий қадриятлар билан умуминсоний қадриятлар боғланиб кетган. Шу бирлик бойиши ҳисобигагина жаҳон халқлари маданияти, умуминсоний қадриятлар ривожланиши мумкин. Мустақилликнинг маънавий замини учун кураш даврида фақат миллий маданиятдан, унинг имкониятларидан бошқа нарсани кўра олмаслик ҳам ниҳоятда зарарлидир. Ўз миллий қобиғига ўралиб қолган маданият ҳеч қачон баркамол бўлмайди. Биз бошқа халқлар маданиятига ҳам ҳурмат билан қарашимиз керак.

Миллий мафкура, аваламбор, миллат, ундан сўнг бутун халқ манфаатини ҳимоя қилиши, ўзбек халқи қарашларини ва интилишларини ўзида мужассам этиши, унинг орзу-умидига ҳамоҳанг бўлган ғояларга таяниши керак.

Ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида қонуннинг устуворлиги, қонун олдидаги барча фуқаро тенглигини таъминлаш ва шу асосда инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ғоялари сингдирилиши лозим.

Йиллар мобайнида юз берган парокандалик, бир ёқлама ҳукмдорлик қилган коммунистик мафкура натижасида юз берган маънавий таназзулга барҳам бериб, оёқ ости бўлган халқ ғурурини тиклаш, унинг ўз миллати билан фахрланиш туйғусини кучайтириш, бошқа миллат вакиллари билан онгли равишда бирлик учун курашиш ғоялари ҳисобига олиниши даркор.

Ҳар қандай шароитда ҳам Ватанга, унинг халқига бўлган муҳаббатини кучайтирадиган, юрти билан фахрланиш ҳиссини уйғотадиган, илғор ва курашчан фуқаролик туйғусини шакллантирадиган муҳитни вужудга келтира олиш ҳар биримиз учун фарахли вазифадир.

Кўп миллатли мамлакатда асрлар мобайнида қон-қардош бўлиб яшаётган миллатлар ўртасида нифоқ солишларига зарба берадиган, ҳар қандай маҳаллий чегараланишлар ва миллий гуруҳбозликларни йўқ қилишда миллатлараро муносабатлар бошқа республикаларга қараганда ўзига хосдир. Миллатлараро муносабатда ўзаро ҳурмат, тенг инсоний муомалани ўрнига қўймоқ лозим.

Бунинг учун эса Ўзбекистонда яшаётган бошқа миллатларнинг вакиллари республика давлат тили —ўзбек тилини билиши ва ўзбек халқининг миллий ҳаёт тарзини ҳурматлаши, миллий анъаналарга иложи борича риоя қилиши зарур. Ўзбекларни бошқа миллатлар чин дилдан ҳурматлаши учун, аввало, ўзбекларнинг ўзи бир-бирига ҳурмат ва меҳр-оқибат кўрсатиши зарур. Ўзбеклар шу юртда яшаётган бошқа миллатларга ўзининг қадимий ва замонавий маданияти бой, баркамол, ўз қадрини билувчи миллат эканлигини исботлагандагина бошқалар унинг тили ва одатларини ўрганиши мумкин. Аммо, афсуски, ҳозир баъзи ўзбеклар миллий ғурурини йўқотган, улар гоҳида ўз миллатига доғ тушиradиган ишларга ҳам қўл урaверади. Баъзилар шахсий, текин ёки енгил даромад турганида миллатнинг обрўйини ўйлаб ўтирмайдилар. Миллий ғурур тикланганда бу иллатлар табиий равишда камайиб, тугаб боради. Миллий ғурурни шахсий манфаатдан юқори қўя оладиган одамларда миллий ифтихор — ўз миллатининг ўтмиши ва ҳозири билан фахрланиш туйғуси вужудга келади.

Миллий онг аслида сиёсий онгнинг асоси. Миллат маърифатли, дунёқараши кенг бўлса, ижтимоий-сиёсий жараёнлар боришини чуқур англайди, унинг фаоллиги ошади. Республикамизда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш жараёнида сиёсий ислоҳот бирга қўшиб олиб борилаётгани таҳсинга лойиқдир. Миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқишда миллат онгини шу мафкура талаби даражасига кўтариш шу кунниинг долзарб ва муҳим масалаларидан биридир.

Навқирон авлодни камол топтиришда миллий истиқлол мафкурасининг аҳамияти каттадир. Мактабларда, олий ўқув юртларида таълим-тарбия олаётган ёшларни ўз ватанига, ўз халқига садоқат руҳида ўстириш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун ўқув дастурларини янги мафкура асосида тузмоқ керак.

Миллий онг, миллий ғурур, ўзўзини англаш туйғуси, ўз Ватани ва ўз халқи билан фахрланиш ҳислари, миллат қадр-қиммати, миллий масъулият, миллий бирлик туйғуси, ватанпарварлик ва халқпарварлик туйғуси истиқлол мафкурасининг асосини ташкил этмоғи лозим. Халқимиз босиб ўтган бой ва мураккаб тарихий йўлни ўрганиш, таҳлил қилиш, бугунги кун нуқтаи назаридан унга баҳо беришга интилиш зарурий эҳтиёждир. Бунинг учун ўтмишда яратилган моддий ва маънавий қадриятлар, тарихий обидалар, ёзма манбалар, иқтисод, сиёсат, ҳуқуқ, фан ва техника, одоб-ахлоқ, урф-одат, тил ва дин, адабиёт ва санъатимизни ўрганиб, тарихан бошқа халқлар билан олиб борган сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабатларимизни билиб олишимиз керак бўлади.

Ҳозирги масъулиятли даврда миллатпарвар ҳар бир зиёли миллий мустақиллик мафкурасини яратишга ўз ҳиссасини қўшмоғи лозим. Чунки маънавият бўлмаган жойда мустаҳкам мустақиллик бўлмаслиги қуёшдек равшан ҳақиқатдир.

Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек зиёлиларининг — шоирлар ва олимлар, ёзувчилар ва санъаткорлар, рассомлар ва бастакорларнинг аҳоли билан бевосита учрашувлари мустақиллик манфаатини кўзлаб ўтказилмоқда. Истиқлолга эришган халқимиз ўз қувончу ташвишларини зиёлилар билан баҳам кўрмоқда. Бу учрашувларда кишиларни ҳалоллikka, покликка, ҳамма ерда осойишталикни таъминлашга чақирилиб Ватанни севиш — иймондандир, деган расуллуллоҳ ўгитлари ҳам омма онгига тўлалигича сингдирилмоқда.

Мустақилликнинг маънавий замини учун кураш даврида фақат миллий маданиятдан, унинг имкониятларидан бошқа нарсани кўра олмаслик ҳам ниҳоятда зарарлидир. Ўз миллий қобиғига ўралиб қолган маданият ҳеч қачон баркамол бўлмайди. Шунинг учун биз бошқа халқлар маданиятига ҳам ҳурмат билан қарашимиз, уни камситиш туйғусидан йироқ бўлишимиз керак.

Ўзбек халқининг минг йиллар давомида шаклланган, ҳаётнинг ҳамма соҳаларида сақланиб келаётган маросимлари, урф-одатларидан оқилона фойдаланмоқ керак. Булар биз учун тарихгина эмас, балки ҳозирги кунда ҳам инсонпарварлик, миллатпарварлик, ватанпарварлик, адолатпарварлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, поклик, иймонлилик, сахийлик, олийжаноблик, камтарлик, оилавий тотувлик сингари яхши хислатларни кишиларнинг қалбига чуқур сингдириш имкониятини бераднган маънавий бойликдир. Бу фазилатлар — ўзбек халқининг маданий камолоти тимсоли, маънавий етуклик ва инсоний баркамоллик чўққиси, истиқлол ва истиқболга етказувчи умид-ишончнинг рамзидир.

Аслини олганда миллий истиқлол мафкураси асослари мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг биз учун дастуриламал бўлган мумтоз китобларида, Олий Кенгаш сессияларида, Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ҳамда айрим вилоятларнинг сессияларида масалан, Сирдарё вилоятида қилган маърузаларида ёритиб берилган. Мамлакатни бошқариш, халқ хўжалигини такомиллаштириш, кадрлар ва етук мутахассислар тайёрлаш, маданиятни ривожлантириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш ва кўп қиррали ҳаётимизнинг бошқа ҳамма жабҳаларини қамраб олган кўрсатмалар ҳам ана шу рисола ва маърузаларнинг асл мағзини ташкил этади. Энди уларни маълум бир тизимга жамлаш, давлат сиёсатининг дастури сифатида қиёмига етказиш керак, холос.

Бу дастурга мамлакатнинг ҳар бир зиёлиси, ўзини шу ватаннинг фидойиси деб билган ҳар бир фуқароси муносиб ҳиссасини қўшмоғи керак бўлади.

Мафкурасиз давлат, давлатсиз мафкура бўлмайди. Мафкура нимага асосланиши, у қандай бўлиши керак, деган муҳим масала кун тартибига қўйилди. Шу жиҳатдан қараганда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назарининг кўпчилик муҳокамасига қўйилиши айни муддао бўлди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳот сиёсий ислоҳот билан муштарак ҳолда олиб борилмоқда. Ислоҳотлар самараси бизнинг мафкурамизга ҳам боғлиқдир. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида бу хусусда шундай дедилар: **«Аждодларимизнинг руҳи-поклари ва урф-одатлари, бизнинг энг яхши анъаналаримиз қайта тикланганда ислоҳотлар муваффақиятга эришади. Ўта ўқимишли, руҳан бардам ва жисмонан бақувват кишиларгина истиқлол ва тараққиёт йўлини босиб ўта олади. Сарчашмалари буюк аждодларимизнинг тафаккурлари ва муддаоларидан бошланадиган халқимизнинг маънавий қадриятлари иқтисодий ўзгаришларимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлиб хизмат қилади».**

Миллий истиқлол мафкураси Ўзбек давлатининг, Ўзбекистон Республикасининг одил жамият — демократик тузумга асосланган давлат мафкураси бўлиши керак. У миллатга ва мамлакатга хизмат қиладиган, унинг манфаатларига таянадиган бўлса бош ва ягона раҳбарга — давлатга бўйсуниши лозим.

● 8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

МАРОҚЛИ УЧРАШУВЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

Халқ демократик партияси Сирдарё вилояти кенгаши томонидан тузилган тадбирга асосан вилоятда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига тайёргарлик ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Жойлардаги меҳнат жамоалари, турли ташкилот ва муассасаларда байрам арафасида учрашувлар, суҳбатлар ўтказилаётир.

Яқинда Сирдарё шаҳар ҳокимлигининг катта мажлислар залида ана шундай учрашув бўлиб ўтди. Унда республика, вилоят, туман ва шаҳар кенгашларининг депутатлари, ХДП бошланғич ташкилотларининг котиблари, туман ва шаҳар ташкилотлари хўжаликларининг раҳбарлари, фаоллар иштирок этдилар. Учрашувни ХДП Сирдарё тумани кенгашининг биринчи котиби Бобо Зуҳуров очди. Сўнгра учрашувда ХДП вилоят кенгашининг биринчи котиби Собиржон Усмонов Конституциямизнинг тарихий аҳамияти, миллий истиқлол мафкурасини яратиш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишлар, вилоят меҳнат аҳли олдида турган долзарб вазифалар ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига бағишланган учрашув Сирдарё туманидаги «Малик» давлат хўжалиги чорвадорлари ҳузурида ҳам бўлиб ўтди. Бунда тумандаги барча чорвачилик фермаларининг вакиллари, партия фаоллари иштирок этдилар.

Ҳозирги кунда ХДП туман кенгаши томонидан белгиланган тадбирга биноан Сирдарё шаҳар ва туманидаги барча меҳнат жамоалари, ташкилот ва муассасаларда ана шундай учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари бўлиб ўтаётир.

Абдужалил УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муаллим... Бу сўзни эшитгач, қандайдир бир илиқ туйғу қалбларимизни эгаллайди. Ўша-шўх-шод болаликни хотирлаймиз. Хаёлимиздан муаллимимизнинг берган ўгитлари ўтади. Мактаб йиллари хотиралари ҳеч эсимиздан чиқмаслиги ҳам ажаб. Ўқувчиларнинг ўз севган муаллимлари бўларди. Болалар ўша устозларидай пок, ҳалол, зукко ва билимдон бўлишга интилишарди.

Аман Сексенбаев эса Нукус шаҳридаги мактабларда қирқ йилдан буён дарс беради. Ҳамкасбларининг кўпчилиги ўзининг шогирдлари. Шу боис нафақага чиқиш вақти етганида уни издошлари қўярда-қўймай олиб қолишди.

У яқинда 63 ёшга киради. Аммо ишини ташлагани йўқ. Демакки, шогирдлари, ундан ўрнак олиб, ўрганувчилар ҳам кўпаяверади.

Суратни К. УРОЗОВ олган.



„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ВАҚТИ КЕЛСА НАРХИ КАМАЯДИ

● **АЛМАТИ. «Қозоғистон ауе жоли» миллий авиакомпаниясининг президенти Амантой Жалдибоевнинг буйруғи билан бундан икки йил муқаддам барча учун қўлланилган имтиёзлар қайта тикланди.**

Ноябрь ойидан май ойигача бўлган давр учун барча тоифадаги ногиронлар, шунингдек 1 тоифа ногиронларига ҳамроҳлик қилувчилар, ногиронларнинг 16 ёшгача бўлган болалари учун 50 фоизли имтиёзли йўл ҳақи белгиланди. 30 мартгача талабалар, фахрийлар ва мактаб ўқувчилари 30 фоизли имтиёздан фойдаланадилар. Йўловчилар гуруҳи (камида 15 киши) фақат йўловчи тиғиз бўлмаган йўлларда март ойигача 20 фоизли имтиёз эгаларидир. Ана бир қизиқарли янгилик юз берди. Алматидан Москвага тўхтаб борадиган рейсларда йўл ҳақи 10 фоиз арзонлаштирилди. Бир тонна керосин баҳоси 315 минг рубл туради. Битта аэробус Москвагача бўлган масофада учиши учун 50 тонна ёқилғи сарфлайди. Миллий авиакомпания бундай ҳаражатларни ўзининг жамғармаси ва бошқа сарф-ҳаражатларни қисқартириш эвазига амалга оширмоқда.

ЖАМИЛА НЕМИСЧА ГАПИРАДИ

● **БИШКЕК. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссаси асосида бадиий фильмни суратга олишга киришилди.**

Бу ишни «Триангел — фильм» немис киностудияси ўз зиммасига олган. Янги кино асарининг экран юзини кўриши учун лозим бўладиган барча сарф-ҳаражатлар кинофирма маблағи эвазига амалга оширилади. Немис киноусталари экранда қирғиз ҳаёти ҳаққоний акс эттирилиши учун ижодий ишга қирғиз киночиларининг ўзларини ҳам таклиф этишган.

ЁШ ҲАРБИЙЛАР ҚАСАМЁДИ

● **ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикасининг ҳарбий ўқув юртида ёш тингловчиларнинг ҳарбий қасамёди тантанали қабул қилинди.**

Маросимда қатнашган республика мудофаа вазири генерал-майор А. Шишянников, ўқув юрти бошлиғи полковник С. Бобожонов, уруш ва меҳнат фахрийлари ва ота-оналар бўлғуси ҳарбийларни табрикладилар. Қасамёд қилган тожик ёшлари ўзларининг ўқишларини яна давом эттириш мақсадида Россия ва Ўзбекистон ҳарбий билим юртларига борадилар ва малакали билим эгаллагач ўз она-ватанининг қуролли кучлари сафларида хизмат қиладилар.

АНГЛИЯ КОМПАНИЯЛАРИ ҚАРАҒАНДАДА

● **ҚАРАҒАНДА. Маҳаллий ишбилармон доиралар билан мулоқот қилиш учун Англиянинг энг йирик фирмалари ва компанияларининг 45 вакилидан иборат «десант» ташланди.**

Меҳмонлар ҳайъатига Буюк Британиянинг энергетика вазири Тим Эггар раҳбарлик қилмоқда. Англия ишбилармонларини қизиқтираётган нарсалардан бири Қарағанда кўмир бирлашмаси ва металлургия комбинатининг имкониятларидир. «Андерсон групп лимитед» компанияси кўмир ҳавзасига юқори сифатли кончилик ускуналарини етказиб беришни мўлжалламоқда.

ЕТТИНЧИ ҚУДУҚ УЧУН ҚАДАҲ КЎТАРИЛДИ

● **ТЕМИРТАУ. Қозоғистоннинг марказида жойлашган Темиртау шаҳри яқинида геологлар мис рудасининг кучли қатламини қидириб топдилар.**

90 метр чуқурликкача қазилган еттита қудуқ бу ердаги бойлик катта саноат аҳамиятига эга эканлигини кўрсатмоқда. Металлнинг ўртача таркиби 2,5 фоизни ташкил этади. Бу ғоятда бой руда бўлиб, Қозоғистоннинг ўзида ва бошқа жойларда учрамайди. Жезқазған конларидаги қатламларда металл рудаси 1,5 фоиз эканлигини таққослашнинг ўзи кифоя. Топилган бойлик ҳозирги пайтда ҳомашё танқислигини бошидан кечираётган Балхаш ва Жезқазған мис қуйиш корхоналарининг ишини ўнглашда асқотиши турган гап.

РУБЛЬ ЗОНАСИ МУАММОСИ

ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Тожикистонга эски пуллар оқими келиши муносабати билан аҳоли мол-мулклари ва транспорт воситаларини сотишни ман этувчи вақтинча қарор қабул қилди.

Мамлакат собиқ Иттифоқ республикалари орасида бир ўзи рубл зонасида қолишга мажбур бўлди. Ҳозирча муомалада фақат эски пуллар ишлатилмоқда. Янги 1993 йил тақами зарб этилган пуллардан ҳозирча дарак йўқ. Матбуот хабарларига қараганда, бу масала Москвада ҳал этилмоқда. Шунга қарамай мамлакатга қўшни давлатлардан эски пуллар оқими кириб келиши кўпайиб боряпти. Божхоначилар ўтган кунларда чегарада 1 миллиард эски пулларни ушлаб мусодара этдилар. Бозорларда нарх-наво кескин кўтарилиб боряпти. 1 килограмм гўшт 10 минг сўм, 1 килограмм сариқ мой 10 минг, 10 дона тухум 5 минг сўм бўляпти. Нарх-наво ёқилғи воситаларига ҳам кескин таъсир қилмоқда. Мазут танқислиги сабабли Душанбе шаҳридаги коммунал уйларга иссиқлик берилгани йўқ. Қиш машаққат билан бошланмоқда.

ИККИ КЎНГИЛСИЗ ҲОДИСА

ПАВЛОДАР. Қозоғистоннинг Павлодар вилоятида кетма-кет юз берган икки ҳодиса одамларни саросимага туширди.

Биринчидан вилоят марказида нефтни қайта ишлаш заводида ёнғин чиқди. У тўрт соатда бартараф этилди. Лекин вилоятда ўзи тақчил бўлиб турган газнинг анчагина қисмидан ҳам маҳрум бўлинди.

Ана шу пайтда «Экибастуз» бирлашмасининг «Северний» конида 20 метр чуқурликда метан портлаб кетди. Кон тагида олти қазувчи бор эди. Кон қутқазувчилар етиб келиб, фақат бир мурдани тепага олиб чиқдилар.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ХАТ ВА ҲАЁТ

Халқ айтгани ҳақ чиқар

Гап эгасини топади

ҲОЛИМИЗДАН КИМ ХАБАР ОЛАДИ?

Мен Яккатут қишлоғидан мактуб йўлламоқдаман. Икки нафар фарзанднинг онасиман. Турмуш ўртоғим Аббос Алиев 1957 йилда туғилган. 1986 йилдан биринчи гуруҳ ногирони. Иккала оёғи ҳам ишламайди. Бировнинг ёрдамига муҳтож. Ўзим бригада аъзосиман. Даладан келиб, эримнинг ҳолидан хабар олмагунимча қаровсиз ётади. Уй шароитимизни тушунтириш мақсадида қишлоқ мутасаддилари ва маҳалла қўмитасига бир неча бор мурожаат қилдим. Туман ҳокимлигига уч марта бордим. Лекин натижа бўлмади. Охири нажоткоримиз бўлган «Ўзбекистон овози»га ёзишга мажбур бўлдим. Рўзномалар, радио-телевидениеларда моддий ва маънавий ёрдамлар ҳақида кўп гапиришади ва ёзишади. Наҳотки бизнинг ҳолимиздан хабар олиб, кўнглимизни кўтарадиган бирор кимса топилмаса?

Муҳаббат АЛИЕВА,
Ўзбекистон тумани.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳаббатхон, қийинчилик билан рўзғор тебратиб турганингиз кўриниб турибди. Уйлаймизки, туман ҳокимлигидаги «савобталаблар» Сизга ҳам мадад қўлларини чўзиб, эътибор қилишса ажабмас.

ҚУДУҚҚА ТУШГАНДАЙ ЙЎҚОЛСА-Я...

Дунёда қувончинг узоққа борсин экан-да. Омадим чопиб, катта ютуқ эгаси бўлдим, деб ўйловдим. Шу десангиз, «Наврўз» ҳайрия жамғармаси лотерея билетларидан бир нечтасини сотиб олгандим. Буни қарангки, мендай оддий колхозчи одамнинг ови юриб, 100 минг сўмлик ютуқ чиқса бўладими?! Билетни дарҳол туман омонат жамғарма банкига ишонч билдириб топширдим. Шундан сўнг 1993 йилнинг 23 апрель куни «Ўзсбербанк» бошқармасига текшириб кўриш учун жўнатишди. Нима десангиз денг-ку, мана шу пайтгача жавоб йўқ. Ўзим ҳам бироз ҳовлиқиб қолган эканманми, ютуқни устидан озроқ қарз-ҳавола қилиб хайрли ишларга сарфлаб қўйдим. Мана, энди таниш-билиш, қариндош-уруғлар ютуғинг нима бўлди, дейишади. Мен елкамни қисаман. Дарвоқе, бу ёғи қандоқ бўлди?

Мамарасул МАМАТОВ,
Норин тумани.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Муҳтарам Мамарасул ака. Хотиржам бўлинг. Ютуғингиз чин бўлса, ҳайрия жамғармасидаги ўртоқлар қудуқдан бўлса ҳам албатта тошиб беришади.

ВАЪДАБОЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА

Ҳеч ким гапингга қулоқ тутмай, ишинг юришмагандан кейин газетга ёзишга мажбур бўларкансан. Билсангиз, турмуш ўртоғим жаҳон урушида ҳалок бўлган. 1983 йилнинг 10 январидан, тўғрироғи ўн йилдан бери уйимга телефон ўрнатиш учун имтиёзли навбатда тураман. Алам қиладиган жойи шундаки, мендан кейин навбатга турганларнинг уйида телефон жиринглаяпти. Менга қолганда Тошкентнинг Чилонзор туман алоқа тармоғи мутасаддилари фақат ваъда беришдан нарига ўтмаяптилар. Ҳамма нарсанинг ҳам охири бўлиши керак-да.

Раҳима ҚОСИМОВА,
нафақахўр.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Ҳурматли Раҳима опа! Хафа бўлманг, ҳозир хонадонларга телефон ўрнатиш учун Сизга ўхшаб навбатда турганларнинг мушкулини осон қилишмаётган экан, билингки бу ҳам алоқа хизмати ходимларининг навбатдаги баҳонаси.

ИЛТИМОСГА КУНИНГ ҚОЛМАСИН

Менинг хат ёзишимга қишлоғимиздаги баъзи камчиликлар сабаб бўлди. Совхозимиз раҳбарларига, район ҳокимига бир неча бор мурожаат қилдим. Шикоят жавобсиз қолди. Давлат хўжалигида яшаётганимизга 40 йилдан ошди. Зеро, шу давр мобайнида маданий ишлар борасида ҳеч қандай янгиликларни кўрмадим. Раҳбарлар ўзгараверди, одамлар ишлайверди. Ҳеч ким маданият масканлари — клуб, ҳаммом, мактаб, шифохона, спорт иншоотлари ҳақида ўйламади. У ёғини сўрасангиз, қишлоғимизга ҳали газ ҳам келмаган. Кўмирнинг нархи эса ошиб бормоқда. Қачонгача 9-10 чақирим йўл босиб, ҳаммом ёки клубга борамиз? Оқар сувнинг йўқлигидан томорқаларимизда бирон нарсани ундиролмаймиз. Ёмони шундаки, ёшларни ишга жалб қилиш учун шароит йўқ. Маданий-оқартув ишларини ўлда-жўлдалиги ёшлар орасида гиёҳвандлик, қиморбозлик, ичкиликбозлик, ўғрилик каби иллатларнинг илдиз отишига йўл очмоқда. Биз бундан жуда ташвишдамиз.

Бир гуруҳ ишчилар номидан
Жўра ЯРАШЕВ,
Сирдарё вилояти.


● ТАҲРИРИЯТДАН: Начора, хат муаллифларининг куюниб ёзишганича бор. Афтидан туман ҳокимлигидаги мутасаддилар бу қишлоқдаги маданий ва маънавий шароитларни кўриб, кўрмасликка олишаётганга ўхшайди.

ҚАЧОНГАЧА ПИЁДА ЮРАМИЗ?

Пахтакор тумани Чаманзор қишлоқ кенгаши раиси А. Хушбоқов меҳнаткашлар илтимосига масъулиятсизлик билан қарамоқда. 5 минг аҳоли истиқомат қиладиган қишлоғимизда автобус туман маркази билан Пахтакор шаҳри оралиғида қатнаётганлиги, бу эса кўпчиликни қийин аҳволда қолдираётгани ҳақида туман ҳокимлигига ёзиш керакмиди, деган сўзимизга раисимиз Мен «ёзувчи» бўлишни истамайман, деди. Жуда қизиқ-ку, ахир. У киши халқ ноиби бўлса-ю, сайловчиларнинг дардига қулоқ солмаса... Ахир, қишлоғимизда 185 нафар кўп болали оилалар, қаҳрамон оналар, 125 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси истиқомат қилади. Қачонгача улар 6 километр масофага пиёда юрадилар?

Х. ЭГАМБЕРДИЕВ,
нафақахўр.

● ТАҲРИРИЯТДАН: Нима ҳам дердик. Ҳа, энди қишлоқ кенгаши раиси «ёзувчи» бўлишни истамаса, ҳоким билан очиқ мулоқот қилиб, мушкулларингизни осон қилишга имкон топар.



● Суратқаш А. Азизов тасвирга олган манзарани «Ўтмиш билан учрашув» деб номлабди. Қадриятларимиз тикланаётган, меросимиз—маънавият сарчашмаси деб баҳоланаётган истиқлол даврида Ғиждувондаги Улуғбек мадрасасини суратга олиш ҳам савоб бўлса не ажаб.



● Бешикда ётган ўғил-қизларимиз ҳушҳулқ, ҳушрўй, имонли бўлади дейишади. Суратқаш Абдувоҳид Тўраев бешиксоз Илёс Қурбоновнинг фарзандларига усталикдан сабоқ бераётганида тасвирга олибди.

Яхшилик шарофати

ОДОБИ УНДАН АЗИЗ

336-боғча Чилонзор туманидаги намунали мактабгача тарбия муассасаларидан бири. Жажжилар масканига малакали педагог Зайнаб Абирова раҳбар. Бу ерда 280 нафар ўғил-қиз тарбияланяпти. Уларга 40 нафар тарбиячи парвона. Боғчадаги болалар турли миллатга мансуб. Шу боис тарбиявий ишлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилмоқда.

Кичкинтойлар масканида уларнинг роҳат-фароғатда ўсиб-улғайишлари учун барча шарт-шароит яратилган. Шунингдек ҳовли саҳни ҳам кўркам ва сўлим боққа айлантирилган. Тиббиёт хонасида дори-дармон ва бошқа тиббий асбоб-ускуналар етарли. Малакали шифокор ва ҳамшираларбболажонларнинг саломатликларини назорат қилиб туришади.

Соғлом авлод соғлом келажакни яратади. Буни жуда яхши ҳис этган боғча жамоаси жажжиларнинг саломатликларини муҳофаза қилиш мақсадида астойдил жон куйдириб ишлаяпти. Тиббиёт ходимлари боғча ҳовлисида экилган бўтакўз, тоғ райҳони, ялпиз ва бошқа гиёҳларни қуритиб олишган эди. Ҳозир турли ичимликлар тайёрлашиб болакайларга ичирилмоқда. Бу ичимликлар боланинг мурғак организмга куч-қувват бағишлаши табиий. Боғча боғи ва экин майдончаси ҳам ҳавас қилса арзигулик. Олма, ўрик, шафтоли, гилос ва бошқа мевалар, помидор, бодринг, бақлажонлар болалар дастурхони учун.

Бу ердаги ишлар режалаштирилган. Боғча беш кунлик бўлганлиги сабабли ҳар бир кун ўзига хос хусусиятга эга. Масалан, душанба куни «Соғлом танда соғ ақл», «Саломатлик сабоқлари» деб юритишади. Ҳар бир бола тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўша кунги машғулотлар ҳам озодалик, шахсий гигиенага доир суҳбатлар асосида бўлади. Сешанба куни «Бугун ўзбекча сўзлашамиз» деган мавзуга бағишланган. Бу куни боғчадаги каттаю-кичик ўзбек тилида сўзлашади. Чоршанба — мусиқа куни. Мусиқа янграб, «Шабнам» бадиий ҳаваскорлик дастаси концерт намойиш қилади. Пайшанба «Ота — буваларимиз, она — момоларимиз руҳини шод этайлик» деган мавзуда. Бу куни тарбиячилар ўзбек адабиёти ва санъати намояндалари Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Нақшбанд, Бобур ва Амир Темур, Нодирабегим, Улуғбек тўғрисида болаларга ҳикоя қиладилар. Жума куни: — «Фарзанд азиз — — одоби ундан азиз» деган мавзуда ўтади. Болаларга миллий расм-русумлар, ўтириш-туриш, саломлашиш ва муомала одоблари сингдирилади.

Шуниси диққатга сазоворки, буларнинг барчаси ҳам қизиқарли ўйин тарзида бўлиб, болалар зерикишмайди. Бу боғчанинг яна бир хусусияти шундаки, тарбиячилар ўзлари қурган тандирда ширин кулчалар ёпиб, кичкинтойларни хурсанд қилишмоқда. Хуллас, боғча жажжиларнинг энг азиз ва қадрдон масканига айланиб қолган.

Шарофат ИСКАНДАР қизи.

Ёмонлик касофати

АРМОН

Қарийб икки йилча сарсон-саргардонликда юрганим, баъзи бепарво мутасаддиларнинг «бор отангга, бор онангга» қабилида иш тутганидан қийналиб қолганим ҳақида ёзмоқчиман. Келинг, яхшиси, гапни бир бошдан бошлай. Собиқ жангчи сифатида ариза ёзиб нафақаларимни тўғрилаб олиш мақсадида дўхтирларга мурожаат қилгандим. Қўқон шаҳар дўхтирлари: «Амаки, ёшингиз ҳам етмишдан ўтиб қолибди, эллик йил ишлабсиз, умрингизнинг тўрт-беш йили жангу-жадалларда ўтибди, сизга ногиронлик нафақаси тайинлаймиз, лекин комиссиялардан ўтинг», дейишди.

Ҳа, майли деб, 1992 йилнинг март ойида тиббий кўрикдан ўтдим: «Умумий меҳнат ногирони» деган гувоҳнома беришди. Кейин Фарғона вилояти дўхтирларига мурожаат этсам: «Госпиталь справкаси етишмас экан. «Уруш ногирони», деган гувоҳнома беролмаймиз. Тошкентга боришингизга тўғри келади», дейишди. Шу билан Ўзбекистон Мудофаа вазирлигига қарашли тиббий комиссиядан ўтиш учун Тошкентга йўл олдим. У ён-бу ён 5 минг сўм йўлга сарфлашга тўғри келди. Ҳарбий ҳужжатларимни олиб қолишди. «Ўзимиз Фарғонага юборамиз», дейишди. Сабр таги олтин, деганларидек ҳужжатларимни кутдим, бўлмади. 1993 йилнинг 28 апрелида яна Фарғона дўхтирларига мурожаат этдим. Улар Тошкентга жўнатишди. 13 майда 6 минг сўм сарф-ҳаражат қилиб Тошкентга, яна Мудофаа вазирлигига бордим. Бу ердагилар ҳужжатларингизни 1993 йил, 16 март куни № 739 рақам билан Фарғонага юборганмиз, деган қоғоз беришди. Қўқонга қайтдим. Собиров справка ёзиб берди. Маълум бўлишича, ҳали ҳужжатларим келмаган экан.

Ўша дўхтирнинг «ҳужжатларни олмаганмиз» деган справкаси билан 10 минг сўм сарфлаб Тошкентга яна келдим. Бу ердагилар елка қисишди. Қўқонга қайтиб, Р. Умаров деган дўхтирга учрашдим. У 13 июль куни қўлимга тилхат ёзиб берди. Ана шу қоғоз билан 15 минг сарфлаб, ота-бола Тошкентга келдик. Бу ерда тиббий комиссия: Шоди Хўжаев тегишли идорага хат йўллади. Унинг хатида 1993 йил, 19 июль, № 2091 рақами бўлиб, «Ражабовнинг ҳужжатлари йўқлиги учун ҳисобга олиш карточкасини бериб юборинглар», дейилганди. У ерда эса: «Ҳисобга олиш карточкангиз маълум ёшгача сақланади, кейин йўқ қилиб юборилади. Сиз бўлсангиз 71 ёшдан ошибсиз», деган гапни айтишди. Яна бошим қотди. Нима бўлса бўлди, «кетса бойдан кетибди», дегандек сарф-харажат қилиб Фарғонага бордим. Не кўз билан кўрайки, котиба қизни тортмасида суратим, икки бўлакка бўлинган ҳарбий ҳужжатим турибди.

Ҳа, справка ҳужжат Тошкентдан келган. Лекин рўйхатда қайд этилмаган. Ваҳолонки уни 1993 йил, 26 июль куни келтиришган. Аммо «бообрў» мутасаддиларни инсон тақдирига бефарқлиги туфайли тўрт нафар дўхтир, шунча саркотиб шу ҳужжатни оладиган куни мендан бошқа ҳеч кимни қабул қилишмади. Улар гурунглашиб ўтиришарди. Кимга ва нимага керак деб ўйлайман бундай маҳкамани. Одамларни сарсон-саргардон қилиш учунми? Яна уларни ҳар ойнинг иккинчи ўн кунлигида Қўқонга келиб, гўёки комиссия бўлиб, меҳмон бўлиб кетишлари қизиқ.

Фарғона вилояти ижтимоий таъминот бўлимидаги мутасаддиларнинг лоқайдлиги қуйидаги сатрлардан ҳам маълум: «Бир йилдан ортиқ оворагарчиликдан сўнг апрель ойида «суд-медэкспертиза»дан ўтсам ҳам эътибор қилмаганларидан сўнг вилоят ҳокимига шикоят ёзишга мажбур бўлгандим. Ҳокимликда аризамни ўқиб-ўқимай таъминот бўлимига юборишган экан. Май ойида бу ердан (1993 йил 7 июнь, № 22) хатни олдим. Унда: «Ҳурматли Мадамин ота, сизнинг хатингизни ўқиб, қуйидагиларни маълум қиламиз: ҳужжатларингиз йўқлиги туфайли сизни талабингизни қондиришга ожизмиз. Бошқарма бошлиғи А. Маҳмудов, вилоят ТМЭК раиси Р. Умаров». Ана ҳангома. Орадан кўп ўтмай, 13 июлда ҳурматли раисимиз Қўқонга ташриф буюрган эдилар. Мен хатларимни у кишига кўрсатиб, қайси ва кимга ёзган хатимга жавоб ёзибсиз деб қўлларига тутқаздим. У киши бўлса Тошкентга ёзган хатингизга жавоб-да, деб имзо чекиб қўйдилар. Шунчалик ҳам эътиборсизлик бўладими? Ахир, хатни мен ҳокимга ёзган эдим-ку!

Ҳа, майли шакарнинг ози ширин деганларидек, гапимни мухтасар қиладиган бўлсам армон билан ёзган мулоҳазаларимни муштарийлар эътиборига ҳавола этмоқчиман. Зеро Ҳадиси Шарифда айтилганидек; «Ватан ҳимоясида бир кун қатнашган кишини 60 йил иззатда бўлиши зарур» дейилган.

Муҳаммадаминбек РАЖАБ ўғли.

Қардошларимиз мактуби

«ОТА, МЕН ЭШИТЯПМАН»

Ўғлимдан шу сўзни эшитиш учун йилларни ўтказишга тўғри келди. Воқеа бундай бўлган эди. 1980 йили Илҳомбекнинг эшитмаётганини сездим ва дарҳол туман касалхонасига бордим. Дори-дармон қилишди. Орадан уч йил ўтгач, Ашхободда гапирмайдиган болаларни даволовчи махсус болалар уйи борлигини эшитиб қолдим. У ерга ҳам бордик. Бир-икки ой даволанди. Нафи камроқ бўлди. Хуллас, шифокорларнинг маслаҳати билан Тошкентга йўл олишга мажбур бўлдим.

Республика нутқ ва эшитиш қобилиятини тиклаш илмий-методик марказининг раҳбари, профессор Акрам Мўминовга учрашдим. У киши ўғлимни кўриб, даволаса бўлади ,деган гапни айтдилар. Фақат нутқ ва эшитиш қобилиятини ривожлантириш зарурлигини тушунтирдилар. Орадан ўн йил ўтди. Даволаш маркази иккинчи уйимизга айланди. Ўғлим Тошкент шаҳридаги 102-махсус мактабнинг мактабгача ёшдаги тарбия бўлимида бўлиб, фанларни ўзлаштирди. Кейин профессор ва ўқитувчиларнинг сўзи билан оддий мактабга ўтказишди. Ҳозирги кунда Илҳомбек Тошовуз вилояти Илонли туманидаги 2-ўрта мактабда аъло баҳолар билан ўқимоқда. 9-синфга ўтган.

Севимли рўзнома орқали профессор А. Мўминов ва меҳрибон ҳамшираларга раҳматлар айтмоқчиман.

Иса САИДНИЁЗОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

ЁРДАМ БЕРИЛАДИГАН БЎЛДИ

Асака тумани ҳокимлиги текшириш учун йўлланган мактуб бўйича шуни маълум қиладики, Мустаҳкам қишлоқ кенгаши Ғ. Ёқубов номли жамоа хўжалигида яшовчи Мавлонжон Мўминовнинг ўз хатида кўтарган масалаларни ўрганиб чиққан. Мавлонжон 1958 йилда туғилган, уйланган. Уч нафар фарзанди бор. 0,08 га ер участкаси, ҳовли-жойи бўлиб, ота-оналари ҳаёт. Ака-укалари бор. Лекин М. Мўминов ҳақиқатан ҳам 1979 йилда Германияда ҳарбий хизматни ўтаётганда ногирон бўлган. Ногиронлик нафақаси олади. 1984 йили «Запорожец» автомашинаси берилган. Шунга қарамай имтиёзлардан фойдаланиш тартиб-қоидалари, кўрсатиладиган ёрдамлар ва бошқа барча масалалар юзасидан хат муаллифига тушунтирилган. Асака тумани ҳокими Т. Ёқубов имзоси билан йўлланган жавоб мактубида ёзилишича, М. Мўминовнинг шароити дуруст бўлишига қарамай, туман ҳокимлиги ва Мустаҳкам қишлоқ кенгаши зиммасига зарур ёрдам уюштириш ва буни назорат қилиб бориш топширилган.

ЎРИНЛИ ЭЪТИРОЗ

М. Жўрабеков, М. Отаев ва бошқалар томонидан ёзилган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг республикадаги роли тўғрисида фикрлар, Оққўрғон туманидаги «Оққўрғон» давлат хўжалигининг бошланғич партия ташкилотида йўл қўйилган баъзи камчиликлар хусусидаги мактубга Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгашининг котиби Ш. Муҳаммаджонов имзоси билан жавоб хати олдик. Жавобдан маълум бўлишича, хат муаллифлари ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича тегишлича жавоб олганлар ва суҳбатда иштирок этганлар. Хусусан хат муаллифлари билан учрашув пайтида ХДПнинг Низом ва Дастури, бугунги шароитдаги асосий йўналишлари ҳақида мулоҳаза юритилган. Лекин ҳақиқатан ҳам бошланғич партия ташкилоти томонидан баъзи камчиликларга йўл қўйилгани эътироф этилган. Хат муаллифлари ўзаро суҳбатдан қаноат ҳосил қилишган. Ўзбекистон ХДП Оққўрғон туман кенгашига бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини ўрганиб чиқиш, хатда айтилган таклиф-мулоҳазаларни ҳисобга олиш ва бу масалани ижроия бюро мажлисида кўриб чиқиш тавсия этилган.

Сизни қизиқтирган саволлар

НАФАҚА ТЎЛИҚ ТЎЛАНАДИ

● САВОЛ: Менинг ёш болам бетоб бўлиб қолди. Унга қараб туриш учун ўн кун ишдан қолиб кетдим. Лекин касаллик варақаси билан фақат етти кунга ҳақ тўлашди. Шу тўғримми?

Д. КАМОЛОВА,
Тошкент.

ЖАВОБ: Йўқ, нотўғри. 1987 йил 1 ноябрдан бошлаб амалда қўлланилаётган қоидага кўра бетоб болага қараб туриш зарур бўлган ҳолларда унинг онасига ўн календар кундан ошмаслик шарти билан касаллик варақаси берилади. Ёлғиз оналарга, беваларга, эри билан ажрашган аёлларга ҳамда эри муддатли ҳарбий хизматга чақирилган аёлларга ўн тўрт календарь куни миқдорида нафақа тўланади.

ОЛИБ ҚОЧИШ МАН ЭТИЛАДИ

● САВОЛ: Бир йигит дугонамни зўрлик билан машинасига ўтқазиб, олиб кетди. Улар ҳозир бирга турмуш қуришган. Бу хабарни дугонамнинг ўзидан эшитдим. Айтингчи, йигитга нисбатан бирор чора қонунда белгиланганми?

С. НОСИРОВА,
Андижон.

● ЖАВОБ: Хотин-қизларни эрга тегишга, эр-хотинлик муносабатларини давом эттиришга мажбур қилиш ёки уларни эрга бериш, хотинликка олиш учун ўғирлаш, шунингдек, хотин-қизларни эрга тегишга тўсқинлик қилиш каби хатти-ҳаракатлар учун Ўзбекистон Республикаси жиноий мажмуасининг 135-моддаси билан бир йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёки шу муддатга ахлоқ тузатиш билан жазоланиши мумкин. Шуни ҳам айтиш керакки, хоҳламаган кишига зўрлаб турмушга берилган хотин-қизлар кейинчалик эр-хотинлик муносабатларини давом эттиришни истаган тақдирда ҳам бу ҳаракатни содир этган шахслар жиноий жавобгарликдан озод қилинмайди.

ҲАР КИМ ЎЗ ИШИНИ ҚИЛГАНИ МАЪҚУЛ

● САВОЛ: Биз истиқомат қилаётган уй шу ерда яшаётганларга хусусийлаштириб берилди. Мен Афғонистонда хизмат қилганлигим туфайли бепул хусусийлаштириб олдим. Бироқ бизни кўпроқ уйнинг санитария ҳолати қизиқтиради. Бир неча йилдан бери ертўладаги қувурларнинг тешилгани сабабли иссиқ сув оқиб ётиши оқибатида кўлмак сувда ҳар хил ҳашаротлар, айниқса, пашша-чивинлар кўпайишига шароит туғилди. Уйимизга келган меҳмонлар ҳам бунга гувоҳ бўлишди. Эшитишимизга қараганда, уйдаги бундай нуқсонларни бартараф этиш учун ўзимиз тиббий эпидемиологик ходимларни ёллаб, ҳаракат қилишимиз керак экан. Шу тўғримми!

А. НАЗАРОВ,
Тошкент.

● ЖАВОБ: — Уй-жойларни фуқароларга ўзлари эгалик қилишлари учун хусусийлаштириб берилиши каби ҳукумат томонидан қилинган тадбир уй-жойларни санитария ҳолатини яхшилашни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, деган гап эмас. Уйларнинг ертўласида тешилиб қолган қувурларни таъмирлаш, тўпланган сувларни олиб ташлаш каби юмушлар турар жойлардан фойдаланиш бошқармалари саъй-ҳаракати билан бартараф қилиниши лозим. Турли зараркунандаларни йўқ қилиш туман тиббий эпидемиология станциясининг зиммасидаги вазифа ҳисобланади. Бу масалада туман ҳокимлигига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки умумий назорат қилиш ҳокимлик зиммасига киради.

ЙЎЛАКНИ ШИРКАТ ЭГАЛЛАГАНДА...

● САВОЛ: Биз Самарқанд дарвоза кўчаси, 3-берк кўча, 8-уйда истиқомат қиламиз. Бу кўчада тўрт оила доимий равишда яшаб келмоқда. 1990 йили «Олимп» кооперативи бизнинг уйга ўтадиган йўлакнинг ёнидан жой олиб, йиғма велосипедлар чиқариш билан шуғулланди. Ҳадемай, бизнинг йўлакни ҳам мослаштириб, бекитиб олди. Ҳозир қандай илтимос қилмайлик, йўлакни қайтариб ололмаяпмиз. Болаларимиз мактабга, биз эса ишга бориш учун қўшни ҳовлидан ўтишга мажбур бўляпмиз. Уйга кўмир, ўтин туширишни ҳам қийин бўлиб қолди. Айтингчи, кооператив тутган ишимиз тўғримми!

Х. ИСМОИЛОВ,
О. ҲОШИМОВ,
Тошкент.

● ЖАВОБ: Хатингизнинг мазмунига қараганда, анча қийин аҳволда қолибсизлар. Бундай бўлишига сабаб ширкат маъмурияти деб кўрсатибсиз. Амалдаги тартибга кўра ширкат маъмурияти ҳокимликнинг қарори ҳамда ўз низомига асосланган ҳолда иш тутиши лозим. Бундай ташқари, у фойдаланаётган уй-жойларни ижарага олганлиги шартномада кўрсатилиши керак. Бироқ йўлакни ҳам фойдаланиш учун ширкат ихтиёрига ижара сифатида топширилиши қоидада кўрсатилмаган. Ширкат фаолияти устидан туман ҳокимлиги назорат қилади ва сизларнинг ҳуқуқингизни ҳимоя қилиши лозим. Бордию ҳокимлик томонидан берилган жавоб сизни қониқтирмаса, туман прокурорига сизларнинг талабингизни назорат тартибида текшириб чиқиб, тегишлича чора кўриши лозим.

Абдужалил ҲАСАНОВ,
ҳуқуқшунос.

• ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИ •

ТЎЙИНГ МУБОРАК, НАВҚИРОН ТЎРТКЎЛ!

Бугун қадимий ва навқирон Тўрткўлда катта тантана. Кўҳна Жайҳундек не-не ҳаёт суронларини бошидан кечирган, қирғинбарот урушлар натижасида неча бор ер билан яксон бўлган, лекин меҳнаткаш, бардошли халқининг иродаси, ақл-заковати билан қайта-қайта тикланган шаҳар ҳозир ўзгача тароват касб этган. Қорақалпоқ, ўзбек, қозоқ, туркман, рус ва бошқа миллатларнинг она юртига айланган шаҳарда бир неча кундирки байрамона кайфият.

Истиқлолдек буюк неъмат туфайли, шаҳарда сўнгги икки йилда неча йилларга татигулик ишлар қилинди. Марказ қиёфаси ўзгарди. Равон кўчалар бунёдга келди. Минглаб хонадонларда «зангори олов» ёнмоқда. Аҳоли пўлат қувурлар орқали келиб турган зилол сувдан баҳраманд.

Янги-янги дўконлар, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш, маданият масканлари қурилди. Замонавий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган завод ва фабрикалар, қўшма корхоналар шаҳар иқтисодини юксалтириш, аҳоли турмуш маданиятини яхшилашга хизмат қилмоқдалар.

Маданият, санъат ва илм аҳллари ўз куч-ғайратларини меҳнаткашларнинг маънавий савиясини юксалтиришга сарфлаётир. Ҳа, Тўрткўл шаҳри аҳолиси меҳнаткаш, юксак маданиятли кишилар. Улар тер тўкиб ишлашни ҳам, мароқли дам олишни ҳам билишади. Чунки Тўрткўлдек кўркам, замонавий шаҳарни ҳалол меҳнати билан бунёд этган халқ ҳар қанча қувонса, ўйнаб-кулса арзийди.



Манбаларга қараганда Тўрткўл — қадимий шаҳар. Бу файзиёб гўша ҳақидаги ривоятлар бир талай. Улар бевосита тўрткўлликларнинг ўтмиши билан чамбарчас боғланган. Уларда бир қадар ҳақиқат яширингандай. Аслида эса Тўрткўл форсча «Дургил» сўзидан келиб чиққан. Бу сўзнинг маъноси «дур» — ҳосил, «гил» — тупроқ бўлиб, тупроғи ҳосилли замин, деганидир.

Барча шаҳарлар каби Тўрткўл тарихи ҳам олам-шумул воқеалар, даҳшатли фожиалар билан тўлиқ. Аввало, Тўрткўл тарихидан маълумки, у Хоразм воҳасининг обод масканларидан бири бўлган. Хусусан, 1219 йилда ўлкага ташриф буюрган арабларнинг жўғроф олими Ёқутнинг: «Ҳеч қачон бундай обод, аҳоли зич яшайдиган, бир-бирига бақамти қишлоқлар, уй ва саройларни кўрмаган эдим», деган сўзларида ҳақиқат мужассам. Бундан ташқари, археологик қазилмалардан топилган Эллиққалъа, Қаватқалъа, Кўшпарсон, Ёнбошқалъа, Аёзқалъа сингари маданий ёдгорликлар ҳам буни исботлаб турибди.

Бироқ, XIV асрда бу ўлкага ташриф буюрган ҳамюрти Ибн Батута ҳам бу заминда бирорта қишлоқни учратмаганини ёзган. Чунки ана шу даврларда Чингизхон бошлиқ мўғул истилочилари бу тупроқнинг кулини кўкка совурган эдилар. Ундан кейин ҳам яна қанчадан-қанча талотумлар бўлиб ўтгани тарихдан маълум.

Туркистон ўлкаси тарихида XIX асрнинг жуда оғир кечгани мозийдан аён. Айниқса, бу асрнинг иккинчи ярмида амирлик ва хонликлар ўртасидаги ўзаро тахт галашишлар бу юртни ниҳоятда заифлаштириб юборди. Бундай парокандаликлар ўз навбатида қўшни давлатларнинг ҳар томонлама қулай жойда жойлашган бу гупроққа кўз олайтиришларига баҳона бўлди. Тарихдан ҳеч бир воқеани ўчириб бўлмайди. Уларни санайверсак кўп.

Чор Россиясининг бу ўлкани мустамлакага айлантириши бошланган йилларда Хоразм воҳаси ҳудудида янги Тўрткўл шаҳрига асос солинди. Аввалига шаҳарни қандай ва қаерда қуриш ҳақида турли баҳс-мунозаралар бўлди. Ниҳоят, Амударёнинг ўнг қирғоғидан жой танланди. Дастлаб шаҳар Петро-Александровск номи билан юритилди. Тўрткўлга аста-секинлик билан маҳаллий ўтроқ аҳоли кўчиб келиб жойлаша бошлади. Шунингдек, Ўролдан ҳам бошқа миллатлар кўчириб келина бошланди.

Йиллар ўтди. Шаҳар анча кўркамлашди. Ҳатто Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятининг биринчи пойтахти сифатида ҳам Тўрткўлни танлашди. Орадан кўп вақт ўтмай Амударёнинг тошқинлари кўп бўлавергани туфайли пойтахт Нукусга кўчирилди.

50-йилларга келиб эса, Ўзбекистон ҳукуматининг махсус қарорига биноан шаҳар учун яна катта ер майдони ажратилиб, уни қайтадан қуриш бошланди. Шу-шу, Тўрткўл шаҳрига асос солинди.

Ҳа, тарихда қанчадан-қанча жабру жафоларни, харобалигу юксалишларни бошидан кечирган Тўрткўл истиқлол туфайли сўнгги йилларда ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олди.

Шаҳарнинг 120 йиллигини нишонлаш ҳам бизга истиқлол туфайли берилган иноятдир. Одатда тантаналарда кўпроқ ютуқлар, эришилган муваффақиятлар ҳақида гапирилади. Туманда тилга олишга арзигулик ишлар, муваффақиятлар талайгина. Лекин ҳозирги шароитда ўзгина ютуқ ҳам одамлардан катта меҳнат, изланиш, йўқдан йўндириш, хуллас, фидокорликни талаб қилади.

Халқ демократик партияси Тўрткўл туман кенгаши ҳам ўтган икки йилда ҳар томонлама мустаҳкамланди. Ҳозир унинг сафларида 3100 га яқин партия аъзоси бор. Улар ишлаб чиқаришда ҳам, ижтимоий-сиёсий соҳада ҳам барчага намуна кўрсатишмоқда. Сўз билан иш бирлигини таъминлаганликлари туфайли партиянинг обрўси тобора ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам партия сафлари турли касб-кор эгалари ҳисобига муттасил ошиб боряпти.

Хусусан, ўн ой мобайнида ХДП аъзолигига 580 киши қабул қилинди. Фақат ўтган ойнинг ўзида 40 нафардан зиёд киши ўз хоҳишини партия билан боғлаш истагини билдирди. Биргина Тўрткўл туманини мисолга оладиган бўлсак, шу йилнинг ўзида партияга қабул қилинганларнинг 40 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади.

Кўриниб турибдики, партия сафлари тобора янги, билимли, изланувчан, ташаббускор ёшлар ҳисобига тўлиб бораяпти. Ғайратли ёшлар партия сиёсатини оммага етказиш, мамлакатда ўтказилаётган инқилобий ўзгаришларни амалга оширишда байроқдорлик қилишмоқда. Уларнинг ташкилотчилиги, шахсий ўрнаги туфайли меҳнаткашлар туман иқтисодиётини юксалтириш ишига кўпроқ, фаолроқ киришмоқдалар. Кун-сайин ортиб бораётган ютуқлар бундан яққол далолат бериб турибди.

— Шаҳримиз кейинги йилларда менинг кўз ўнгимда ниҳоятда ўзгариб, гўзаллашиб кетди, — дейди кекса қурувчи, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Тўхтабой ота Норбоев. — Ҳозир Тўрткўлни Қорақалпоғистондаги энг гўзал шаҳарлардан бири, деб бемалол айтиш мумкин. Мен шаҳар кўркига кўрк қўшиб турган замонавий биноларни, чароғон кўчалар, гўзал хиёбонларни бунёд этишда қатнашганлигимдан фахрланаман.

Аҳиллик, ҳамжиҳатлик бор жойда муваффақиятлар кўпаяверади. Тўрткўл шаҳри ҳокими Соли Ғаниев тадбиркорлиги туфайли халқ меҳрини қозонган раҳбарлардан. У доимо янгиликнинг ташаббускори. Халқим омон бўлса, фаровон яшаса, деб елиб югуради. Шунинг учун ҳам унга кўпчилик ишонади. Ҳоким эса кўпни кўрган кексалар билан албатта маслаҳатлашади. Шу сабабли ҳам сўнгги йилларда ҳар соҳада ривожланиш, олға силжишни кузатиш мумкин.

— Тўйга тўёна билан боришга азму қарор қилган Тўрткўл меҳнаткашлари шаҳарнинг 120 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш учун ишлаб чиқариш жабҳаларида астойдил меҳнат қилишмоқда. Кейинги икки йилда саноат, транспорт, қурилиш, алоқа хизмати ва бошқа тармоқлар бўйича катта ўзгаришлар юз берди, — дейди Соли Ғаниев. — 1296 ўринли мактаб, 600 ўринли маданият саройи, ўнлаб савдо шаҳобчалари, турар жойлар, маданий-маиший хизмат бинолари фойдаланишга топширилди. Биргина ўтган йилнинг ўзида 45 минг 180 квадрат метр уй-жой қурилиши битказилиб, 298 оила ҳовли тўйлари ўтказилди. Жорий йилга келиб, ўтган 9 ойда 88 оила янги уйларга кўчиб ўтдилар.

Шу йилнинг ўтган 9 ойида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 1 миллиард 950 миллион сўмга, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш 134 миллион 554 минг сўмга, алоқа хизмати 88 миллион 558 минг сўмга, пуллик хизмат кўрсатиш режаси 108 миллион сўмга бажарилди. Буларнинг ҳаммаси ўтган йилнинг 9 ойлик кўрсаткичига нисбатан бир неча бор кўп. Шаҳримиз аҳли 120 йиллик юбилейни барча соҳаларда 10 ойлик топшириқларини ошириб бажариш билан кутиб оладилар. Пахта тозалаш заводи, ип йигириш ва тўқимачилик комплекси, автокорхоналар ва бошқа саноат, қурилиш корхоналари ишлаб чиқаришда пешқадамлик кўрсатмоқдалар.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида иқтисодий қийинчиликларни енгиш учун аввало ҳар бир сўмдан, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиш талаб этилади. Хусусийлаштириш бу йўлдаги самарали воситалардан биридир. Тўрткўлликлар савдо, маиший хизмат соҳаларини хусусийлаштиришни бошлаб юбордилар. Мисол учун Ражаббой Хайруллаевни олайлик. У ўз маблағи ҳисобидан икки қаватли дўкон қурди. «Улуғбек» номи билан аталган мазкур дўкон пештахталарида кунлик эҳтиёж моллари, кийим-кечак, техника моллари мавжуд. Нархлари ҳам қиммат эмас. Улар шаҳар матлубот жамоаси уюшмасидан ва бошқа ҳорижий давлатларнинг савдо корхоналаридан ўзаро шартнома асосида олиб келтирилган.

Шу билан бир қаторда шаҳарда хусусийлаштирилган «Наврўз» савдо маркази ва лимонад ишлаб чиқариш цехи қурилиши битказилиб, ишга туширилди. Савдо маркази эгаси Ўмар Султонов олий маълумотли мутахассис. Икки қаватли савдо марказининг биринчи қаватида 40 ўринли кафе, шунингдек, озиқ-овқат маҳсулотлари, хўжалик буюмлари бўлимлари мавжуд.

Ҳозир хусусийлаштирилган дўконлар сони 10 тага етди. Улар аҳолига хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна. Шунинг учун ҳам аҳоли улар хизматидан мамнун.

Хуллас, муборак тўйини нишонлаётган бугунги Тўрткўл ривожланишнинг ойдин йўлига чиқиб олган. Барча соҳаларда яратувчанлик руҳи намоён. Шундай меҳнаткаш, билимли, ташаббускор, тадбиркор, аҳил халқи бўлган юртнинг ҳам, шаҳарнинг ҳам келажаги порлоқ. Тўйинг қутлуғ, йўлинг равон, толеинг баланд бўлсин, азиз Тўрткўлим.

Ойгул САФАРБОЙ қизи,
Холбиби БОБОНАЗАРОВА,
Каримжон РИХСИЕВ.





Қадимий ва навқирон Тўрткўл тобора гўзаллашиб бормоқда. Бу ерда янгиянги иншоотлар бунёд этилаётир. Буни шундан ҳам билса бўладики, ўтган йилнинг ўзида 45 минг 180 квадрат метр уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. 298 оила ҳовли тўйи ўтказди. Бундан ташқари кўплаб саноат корхоналари, кичик корхоналар ишлаб турибди.

Лекин Тўрткўлнинг энг катта бойлиги меҳнаткаш халқидир. Шундай меҳнатсевар, билимли, ташаббускор, тадбиркор, аҳил халқи бор шаҳарнинг келажаги порлоқ. Суратларда: Тўрткўлнинг бугунги қиёфасидан лавҳалар ва одамларнинг бунёдкорлик меҳнати тасвирланган.

Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган суратлар.



• ЁШ ИЖОДКОРЛАР—ТАҲРИРИЯТИМИЗ МЕҲМОНИ

КЎКСИМИЗДА ВАТАН ЯШАЙДИ



Азим СУЮН: — Бугунги учрашувимизга биз махсус тайёргарлик кўрмадик. Чунки шоирлар, қолаверса, ижодкор халқи билан юзмаюз мулоқот ўтказилса мавзу ҳам, суҳбатнинг йўналиши ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлаверади.

Кўпдан буён сизлар билан самимий, юракдан суҳбатлашишни ўйлаб қўйгандик. Бугунги ўткинчи иқтисодий қийинчиликлар турмуш тарзига бироз таъсир ўтказяпти, албатта. Бу мураккабликларни ҳал этиш йўлида Президентимиз олиб бораётган изчил сиёсатнинг тўғри ва одилона эканлигини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги даврамизда таниқли шоирлар билан биргаликда эндигина илк китоби чиққан ёки чиқиб улгурмаган умидли ижодкорлар ҳам қатнашишяпти. Ҳозир қизиқ бир даврни бошдан кечиряпмиз. Айниқса, уч-тўрт шоир йиғилиб қолсак, «Ҳозир ким шеър ёзяпти?» деб бир-биримизга қараймиз. Ҳамма жим. Нега? Чунки, китоб чиқариш муш-кул. Қоғознинг нархи баланд.

Худога шукур, ёзувчи-шоири, ижодкори кўп халқмиз. Бундан қанча суюнсак, мақтансак арзийди. Лекин учтўртта китоби чиқиб танилган шоир ортигаям бир қайрилиб қараши, бизнинг изимиздан яна кимлар келаяпти? — деган савол ҳар биттамизни қийнаши керак. Хуллас, бугунги учрашув баҳона яна битта сирни айтиб қўяй: «Ўзбекистон овози» газетаси қошида давра суҳбати қурсак. Биз бу билан ҳеч қандай уюшма ёки иттифоққа даъвогарлик қилмоқчи эмасмиз. Янги-янги номларни кашф этиш ва уларнинг яхши асарларини матбуотда ёритиш, бир-биримизга ҳам маънавий, керак бўлса моддий томондан кўмаклашиш.

Қани энди ҳар битта матбуот нашри, қолаверса, радио ва телевидение қошида ҳам шундай ёшлар суҳбати бўлса. Бу жуда катта хайрли иш бўларди. Бундай бадиий давралар аввал ҳам бўлган. Ёшлар бундай давраларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб борадилар. Вақти-вақти билан улар йиғилишиб, режаларни белгилаб олишади. Даврада кўтарилган масалаларни, энг яхши асарларни газетамиз саҳифаларида эълон қилиб борамиз.

Энди шу кундаги яна бир асосий мавзу — мафкура хусусида гаплашсак. Чунки бугун миллий истиқлол мафкурасини яратиш йўлида хайрли ишлар олиб бориляпти. Катта тарихни ҳар биримиз ўқиганмиз. Ҳар қандай замонда қандай давлат тузилмасин, унинг ўз мафкураси бўлган. Усиз мумкинмас. Шундай экан, бизнинг Ўзбекистонда ҳам бутунлай янги бир босқич сари йўл очиляпти. Ўз мафкурамизни яратишимиз шарт. Келинглар, бизлар ҳам бу масалага ўз муносабатимизни билдирайлик.



Миразиз АЪЗАМ: — Мени бир нарса қувонтириб турибди. У ҳам бўлса, газетанинг ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлашга интилаётгани. Чунки аввалларидан бундай анъаналар маданият соҳасига яқинроқ нашрларда бўларди. Жуда савобли ишга қўл урибсизлар. Бугунги ёшлар анча дадил ва ўткир. Уларнинг сафи катта. Фақат озгина мадад, хайриҳоҳлик керак.

Энди мафкура ҳақидаги мулоҳазаларимни айтсам. Энди ўзлигимизни англаяпмиз. Шул боис ҳам ўзимизнинг ҳақиқий мафкурамизни яратиш устида ҳаракатлар бошланди. Унинг бутунлай бошқача бўлиши аниқ. Чунки истиқлол, озодликнинг туб моҳияти ўзгача. Бундай кунларга эҳ, кимлар орзу қилиб етолмаган. Шунинг учун жуда қадрли ва қимматли саналмиш ҳурриятни ҳимоя қилайлик.

Албатта, бугунги қийинчиликлар баҳонасида айримлар ўйламай-нетмай бўлмағур гапларни ҳам айтиб юришибди. Уларни ким деб аташни ҳам билмайсан киши. Ҳеч бир замонда инсоният бирон нарсадан кечмасдан туриб яхши кунларга етмаган. Яхши кунлар ҳали олдинда.

Биринчи навбатда истиқлол мафкурасини яратишда халқнинг ўзи ҳам бевосита иштирок этиши керак. Зиёлилар, шу жумладан, ижодкорлар айниқса, фаоллик кўрсатишлари талаб этилади. Ҳар биримизнинг тилимизда, дилимизда «шу истиқлол халқимники, элимники, қолаверса менинг ўзимники» деган ғурур, фахрланиш туйғуси турсин. Эртага менинг болаларим ҳам шу сўзнинг қадрига етсин деганлар бугун ўзлигини англасин, кўзини очсин. Чор-атрофга, ҳатто ҳар бир дарахтга ҳам ўз мулкидай муносабатда бўлсин. Мафкура осмондан тушмайди ёки четдан биров келиб ҳам яратиб бермайди.




Анвар ОБИДЖОН: — Ўзи анчадан бери ўйлаб юрувдим. Балки бу ўйларимни кенгайтириб қоғозга тушириб ҳам берарман. Аввал бизда Туркия йўли, Жанубий Корея модели деган гаплар юрди. Бу ҳам аслида керак. Бироқ, Ўзбекистоннинг шароити тамоман бошқача. Бошқачалиги шуки, бу сир ҳам эмас. Ҳамма нарсани ҳаракатга келтириб турувчи кучлар доим шаҳарда бўлса-да, уларнинг айримларида эллик, баъзиларида ўттиз фоиздан кўпроқ, камроқ дегандай маҳаллий аҳоли яшайди. Барибир миллатнинг асосий макони қишлоқда. Мафкура яратишда ана шуни ҳисобга олиш лозим. Аввало, одамлар истиқлолга қанчалик ишонишса, унинг мафкурасига ҳам шунчалик ишонишади. Ҳозир биринчи босқичда яшаяпмиз. Албатта, бирданига ҳамманинг қорнини баравар тўйдириб бўлмайди. Бу осонмас. Аста-секин амалга ошадиган тадбирлар ҳали кўп. Менимча истиқлолнинг биринчи меваси барибир адолат. Бир нарсани эсдан чиқармайлик: Одамлар ҳамиша адолатсизликдан безган. Ҳозирги кунда ана шу адолатсизликка қарши кураш борасида анчагина ишлар ҳам қилинди. Оддийгина мисол: Яқиндагина Президентимизнинг ўзлари Сирдарёдаги катта йиғинда ҳам ана шу адолатсизликдан бежизга куйиниб гапирмадилар-да.

Биз истаймизми-йўқми, барибир, иқтисод биринчи ўринда туради. Лекин иқтисоддаям барибир, адолат керак. Мана мен қишлоқ ҳақида гапирадиган бўлсам, ҳар ойда гоҳ икки марта, гоҳ уч марта бориб келаман. Даладаям, колхоздаям ишланган мўлчилигим, ҳамкишлоқларим мендан ҳеч нарсани яширишмайди. Бемалол айтишади. Шунча кўриб, кузатиб юрганимнинг битта хулосаси шуки, қишлоқда баъзан чиқарилган қарорлар бажарилмаяпти. Президентнинг биринчи марта қишлоқда ер бўлиб бериш ҳақидаги Фармони қандай кўтаринкиликка сабаб бўлганини биламан. Бу фармонни одамларнинг ўзлари қанчалар қадрли эканлигини биздан кўра яхшироқ билишади. Яна бир муҳим масала, ер муаммоси. Бу кимларгадир арзимасдек бўлиб туюлар. Лекин мен барибир Президентга қойилман. Шу хусусда алоҳида фармон чиқариб одамларга ем-хашак тарқатишни йўлга қўйди. Шу майда кўринган нарсани ҳам ҳал қилишда оқилона йўл тутди. Чунки, қишлоқда буғдой, нон масаласи давлат йўли билан ҳал қилинади. Аммо рўзғорни ушлаб турган муҳим нарсалардан бири чорва, Қишлоқдагиларнинг жамғармаси ҳам, тўйга аталган мол-мулки ҳам, ҳатто азага сақлаб қўйган сўнгги илинжи ҳам туёқ экани ҳеч кимга сир эмас. Аввал бошда бу ишда анча қаттиқ назорат олиб борилди. Лекин бугунги кунда назаримда сал сусайгандай. Ҳамма билганича иш тутаяпти, шекилли. Илгарилари айтардик, бизда пахта шулхасининг бир-икки фоизи қолади холос, деб. Қолгани Россия ,Болтиқбўйи ва бошқа жойларга тарқаб кетарди. Ҳозир асосан ўзимизда қолаяпти, дейиляпти. Агар пахта 6 миллион тоннадан 4 миллионга тушган бўлса, бу шулханинг ярми ўзимизда қолаётгандаям аввалгига нисбатан 20—30 баробар кўп бўлиши керак. Лекин ўзгариш кам. Исталган вилоят ёки туман, борингки, хўжалик раҳбаридан сўранг, ҳеч ким бизда шулха кўп, демайди. Бу жуда жиддий масала. Тегишли вазирлик оддийгина бўлиб кўринаётган шулха ва кунжара тақсимотини кўриб чиқиши керак. Қани, қанчаси қаерга кетаяпти, қанчаси хонадонларга тақсимланяпти. Давлатга ҳалиям минг раҳмат, Гўшт, ун, ёғ ва бошқа керакли маҳсулотларни махсус рўйхат бўйича халққа тарқатяпти. Нега энди шулханиям асосан гўшт етказиб беришнинг муҳим манбаи ҳисобланган хонадонларга шундай рўйхат билан тарқатиш мумкин эмас?! Агар шу масалани тўғри йўлга қўёлсак гўшт муаммоси ҳам тезроқ ҳал бўларди.

Ижтимоий ва маънавий адолат доимо эгизакдир. Газлаштириш, сув билан таъминлаш масалалари ҳақидаям фармонлар чиқди. Колхоз, совхозларда, борингки туманлардан махсус колонналар уюштирилиб пойтахт — Тошкентга қовун-тарвуздан тортиб ҳар хил мева-чева, сабзавот маҳсулотларигача олиб келиниб, энг арзон нархда шаҳарликларга сотилади. Вилоятларда фаолон хўжаликдан, деб олиб чиқишсади. Нега энди шаҳардан фалон туман ёки хўжаликка деб, олайлик, Чкалов ё бошқа бир катта заводдан мана шунча труба арзон нархда олиб бориб берилмайди. Кийим-кечакларни-ку, қўяверинг,

Юқорида айтдим, яна қайтараман, ўзбекларнинг асосий қисми қишлоқларда яшайди. Лекин авваллари ўзбеклар жисмонан заиф, билимсиз, деган ғалати гапсўзлар, таъна-дашномлар юрарди. Аслида жисмонан соғлом бўлмаган одам ҳеч нарсага эришолмайди. Бугун хайрият, ёшларимизнинг спорт билан шуғулланишлари учун алоҳида қайғурилмоқда. Ҳалиям эсимизда. Президентнинг шахсан ўзлари махсус соврин қўйиб Шаҳрисабзда катта кураш мусобақаси ўтказган эди. Лекин яқинда эшитиб қолдим. Теннис бўйича ҳам қандайдир нуфузлироқ соврин қўйишибди. Булар яхши. Аммо бизда оммавийлашмаган спорт турларига ҳозир катта маблағ ажратадиган вақт эмас. Ўзбекистонда, мана, чим хоккей нисбатан тараққий этган, Покистон, Ҳиндистон чавгончилари даражасида ўйнайдиган спортчиларимиз бор. Ҳозир ҳеч ким бунга эътибор бермайди. Тўғри, футбол ҳам оммавий. Лекин унга шароит яратиб бериш учун катта маблағ керак. Таклифим: мактабларга жисмоний тарбия дарсларининг ўрнига ўқувчиларни самбо билан шуғуллантириш керак. Кам маблағ талаб қилади, ҳам чиниқтиради, ҳам болалар бақувват бўлади. Унга махсус «тўшак»лар ҳам керакмас. Буни оммавий ҳаракатга айлантирсак, ўйлайманки, ўзбек самбочилари шу йўл билан яқин икки-уч йилда жаҳонга танилади.



Икром ОТАМУРОД: — Аввало «Ўзбекистон овози» ташкил этаётган ижодий давра суҳбатлари хусусида. Бу катта ҳайрихоҳлик ва эътиборнинг туғилаётганидан далолатдир. Боиси, халқимиз буюк, миллатимиз улуғ деймиз. Аслида шу халқ ва миллатнинг буюклиги ва улуғлигиям авлодларнинг бир-бирларига бўлган иззат-ҳурматининг сақланиб қолганида кўринади. Бугунги ижодий муҳит қай аҳволда? Мураккаб савол. Ҳаммамиз ўз қобиғимизга ўралиб қолдик. Катталар ўзи билан, кичиклар ўзи билан ўзи оворадек. Уч-тўртта кўпроқ кўйлак йиртган акалар яшириб не қилай, тўғриси, бугунги ёшларни танимайди ва билмайди. Асарларини ўқишини-ку қўяверинг энди. Шу даврада қатнашаётган ёшларнинг номини эшитса, елка қисадиганлар бор. Ҳали бирон марта шуларнинг яхшироқ шеъри ё ҳикоя, чиқишларини кўриб, ўқиб, «болам, укам, жуда зўр нарса ёзибсан-ку, балли!» деганларни эшитганим йўқ. Билмадим, бу ниманинг оқибати? Ҳаммамиз биламиз, катта адабиётни яратиш ёки улуғ ижодкорларни вояга етказишда катта-катта хайриҳоҳлик ва эътиборларнинг алоҳида ўрни бор. Газетанинг бу ташаббуси ана шу умидларнинг уйғоналётганидан дарак-дир.

Модомики, бизлар эртамизнинг ёруғ бўлишига ишониб яшаётган эканмиз, аввало мана шу буюк келажакни юзага келтириш бугунги ёшларнинг бошини силашдан бошланади. Агар шулар бугунги тикланаётган умидли кўприкдан омон-эсон ўтиб олсалар, ўз ўринларини топсалар эртага шул улуғ давлатнинг эгалари бўладилар. Бу фақат адабиётгагина тааллуқли гаплар эмас, балки Ўзбекистон менеки, шу мамлакатга хизмат қиламан, деган ёшларнинг эртасини белгилайди. Адабиёт катта майдон.

Ҳаммамиз биламиз, тарихдан маълум, ўша XIX асрда рус адабиётида, қолаверса, журналлари ҳузурида давра суҳбатлари ташкил этилган катта адабиёт яратишга ҳисса қўшган. Шу тажрибалардан сабоқ олиш керак. Бугун бизда китоб чиқариш осонмас. Ҳозир айрим нашриётлар энг яхши миллий асарларни чоп этиши керак. Энг кучли иқтидорларни қўллаб-қувватлашнинг бирдан-бир йўли газета ва журналлар ҳузурида шундай давра суҳбатларини ташкил қилишдир.

Миразиз Аъзамнинг бу даврада қатнашаётганидан хурсандман. Чунки булар тенги адиблар шундай давраларда қатнашиб ёшларнинг руҳини кўтариб, мадад берсалар қанчалар яхши. Мана, бугун битта эшик очилди. Энди фақат ишлаш керак. Майли, китоб қилиб чоп этиш ёки эълон қилиш мушкулдир, лекин уларни эшитилса, фикр, мулоҳаза билдирилса, кўнгли кўтарилса қанча мадад бўладику, ахир! Кўнгиллари тоғдай ўсади-ку уларнинг. Мана, ўзбошимчалик билан ҳозир кимлар ўз ҳисобидан ўзбошимчалик билан қатор-қатор савияси паст маза-матрасиз китоблар чиқариб ётибди. Бу китобларни очиғи, ҳеч ким ўқимайди. Уларнинг қасри балки ҳозир билинмас. Лекин кейин бунинг азобини тортамиз.

Энди мафкура масаласига келсак, Анвар аканинг гапларини эшитиб ўйланиб қолдим. Ҳозирги пайтда тузилаётган турли хил жамғарма ва хайрия ташкилотларининг ҳисоби йўқ. Барибир ана шуларнинг юки бориб-бориб қишлоққа тушади. Мафкурамнинг ана шундай қирраларим бор-да. Иккинчи бир жиҳати мафкура ҳеч қачон бирон-бир гуруҳга хизмат қилмайди. Ёки бировларнинг мақсад ва ниятлари учун ҳам яратилмайди. Хўш, мафкурани агар зиёлилар яратса, айрим савдо расталарида савлат тўкиб ўлтирган олифта хонимлар ва йигитлар уни қандай қабул қилади? Ўлар мафкуранинг «М» ҳарфиниям тушунмайди. Чунки уларнинг мафкураси — Пул. Бизда жаҳон тажрибаларидан келиб чиқиб қабул қилинган ўзимизнинг Конституциямиз бор. Балки энг катта мафкурамизнинг ўзи шудир. Яна бир жиҳати, истиқлолнинг шаклу шамойилини тўла тасаввур қилолмасликнинг битта касаллиги — юқорида Анвар Обиджон айтди — иқтисодий адолатсизлик экан. Мен шу ўринда фикрсизлик касофати ҳақида ҳам айтмоқчиман. Бунинг қирралари нима? Одамлар ўзлари учун эмас, балки муносабатлар учун яшаётгандай. Оддийгина меҳнатни олинг: одам ўз бола-чақасини боқиш ёки рўзғорини тебратиш учун кун бўйи ишлайди. Ёки бўлмаса тил ҳақидаги қонуннинг бажарилишини қаранг. Гўё қонун ўз-ўзидан ишлаб кетадигандек.



Сирожиддин САИИИД: — Талай муаммолар, рўзғор тебратиш, тирикчилик ташвишлари, бу ёғи юрт бошига тушган қийин тарихий синов — янги пулни муомалага чиқаришдек хийла мушкул паллада шеъриять шоирлик ҳамда бугунги кунимизнинг энг долзарб масалаларидан бирига айланган истиқлол мафкураси хусусида гурунг қилиб ўтирмоқ, четдан қараганда, кимларгадир ғалати туюлар. Модомики, ушбу даврада бу мавзулар қўйилган экан, қимтиниб ўтиришга ҳожат йўқ.


Бугунги шеърият қандай, кечагиси қанақа эди, эртага нима бўлади, унинг қадди-басти келажакда қай тарзда намоён бўлади? Мен бу саволларга жавоб беришга қийналаман. Ҳаммага маълум, жайдаригина бир ҳақиқат бор: Яхши шеърлар яшаб қолади, ёмонлари унутилади. Элнинг машҳур шоири бир йил бурун шеъриятда деярли воқеа бўлган шеърини «бу шеър эмас, бор-йўғи агитка» деб тургандан кейин, бу мавзуда андак сукут сақлаб, андиша билан фикр юритмоқ керак.

«Сийна лиммо-лим
аламдир, малҳамдин
йўқ дарак,
Янги олам, янги одам
қайтадан тузмоқ керак»

деган ҳикматли байтни Ҳўжа Ҳофиз бувамиз неча юз йиллар бурун айтиб кетганлар. Бу ҳикмат ҳозир ҳам ўз қийматини йўқотгани йўқ.

Шоир дўстларимиз, қолаверса, мана шу даврада қатнашаётган ёшлар ҳам яхши, зўр шеърлар ёзишяпти. Қоғоз танқис бўлган пайтда китоб чиқаришнинг иложи қийин бўлса-да, яхши китобларни мутолаа қилмоқ имкони бор. Ариқ тўлиб сув оқса, майсалар қаддини кўтаради, қоғоз ҳам бир кун келиб сероб бўлар.

Насиб этса, юртимиз бир ажиб гулзорга, обод ва сершукуҳ бўстонга айланмоқда чоғланиб турибди. Иншооллоҳ, ўшанда ҳаммамиз йиғилишиб бир шеърхонлик қиламиз. Бу кунларга оз қолди.



Зебо МИРЗАЕВА: — Биз бу кичик даврада туриб катта бир давлатнинг мафкураси ҳақида, унинг қандай бўлиши ҳақида муносабат билдириб мулоҳаза қилишимиз яхши. Ҳар бир мезон албатта ҳақиқатга таяниши керак. Ҳақиқат «ҳақ» сўзидан келиб чиққанидек, биз ҳам Ҳақ амалларига таянганимизда қанчалар муаммоларни, чигалликларни тўғри ечиб олган бўлардик. Мафкура кимга хизмат қилиши керак? Мана шу саволга жавоб изласак тўғрироқ бўларди. Менинг жавобим битта: халққа хизмат қилиш керак. Халқ мафкурага эмас, аксинча мафкура халққа хизмат қилсин, Советлар даврида ёлғон мафкурага хизмат қилганимиз етар энди. Давлатнинг оғир юкини ҳар доим ҳам халқ кўтаради. Кечаги одам дарров бугун ўзгариб қолгани йўқ. Ўша-ўша одамларимиз. Энди нима қилиш керак? Юрагимизда инқилоб ясашимиз керак! Истиқлол, озодлик қандай неъмат эканлигини чуқурроқ англашимиз керак! Булар насиҳат ё йўл-йўриқ кўрсатиш эмас. Аввалларидек Ёзувчилар уюшмасида ёшларга жуда яхши эътибор бериларди. Биринчи китобларга тавсиялар берилар, уй-жой билан таъминлашда ёрдам кўрсатиларди.




Ғулом МИРЗО: — Яқинда бир жойда икки мамлакат фуқароларининг битта нарсага бўлган муносабатларини кўриб ҳайратга тушдим. Америкадаги тиббиёт институтига меҳмонлар келишибди. Бир қизиқ воқеа рўй берди. Залда Ўзбекистон ва Американинг давлат байроқлари илиб қўйилган. Лекин бепарволик оқибати бўлса керак, меҳмонларнинг байроғи қийшиқ илиб қўйилибди. Америкаликлар кирганларидаёқ бу ҳолатни кўришдию, таржимон орқали бу хатони тўғрилаб қўйишларини айтишди. Бизникилар бўлса жим. Охири, меҳмонлар ҳадеганда жойларига ўтиравермагач, домлалар хатони тўғрилашди. Шундан сўнггина улар бемалол жойлашишди. Мана шу оддийгина (бу биз учун!) бўлиб кўринган воқеадан билса бўладики, улар ўз байроқларини шунчалар қаттиқ ҳурмат қилишаркан. Мана буни ҳақиқий фидойилик деса бўлади. Шундан сўнг улар бизга ўз Конституцияларининг суратини тақдим этди. «Бизда ҳар бир фуқаро бу Конституцияни қаттиқ ҳурмат қилади» деди улардан бири. Уларга менинг ҳавасим келди.

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бизлардаям эътиқод шаклланяпти. Барибир, ана шу маънавий юксалишларнинг бошида адабиёт туради. Ҳозир аҳвол бошқача. Катта йўлнинг бошида турибмиз. Лекин мени бошқа бир нарса ташвишга солаяпти. Адабий муҳит нега қийин шаклланяпти? Эрта бир кун келиб мамлакатимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлиб кетиши аён ҳақиқат. Лекин адабиётнинг тақдири не кечади? Оддий мисол: Ёзувчилар уюшмаси ва Адиблар Иттифоқи билан қани қайси бир нашриёт ҳамкорлик қилаяпти? Аслида улар бир-бирисиз яшай олмаслиги керак. Аммо бугун бемалол яшашяпти. Мана эндиликда лотин алифбосига ўтишга киришяпмиз, Биламан, энди нашриётлар дарслик ва қўлланмалар, нари борса ҳомий топган муаллифларнинг китобларини чоп этиш билан банд бўлади. Мафкура руҳият билан боғлиқ нарса. Руҳиятни эса адабиёт ўрганади.



Сирожиддин РАУФ: — Мафкура ҳар қандай давлатнинг қиёфасини, адолатнинг тамойилини, мезонини белгилайди. Мафкура авваллан бизда шаклланган, илдизи бор деб Азим ака айтиб ўтди. Яна бир муҳим жиҳат, халқимизнинг бой урф-одатлари ҳам ана шу мафкурага замин бўлади, деб ўйлайман. Шундай мафкура яратишга одамларни ишонтира олсак, улар давлатимизнинг эртасига ишонади. Бугунги учрашув жуда хайрли ишни бошлаяпти. Хўш, китоблар чиқариш имкони сал чекланган экан, ўзимиз йўл излайлик. Газета-журналлар, радио-телевидениеда уларни тарғиб қилиш имконияти бор-ку. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир таклифни айтиб ўтсам: Менимча шу даврага мамлакатимиздаги етакчи нашрларнинг бош муҳаррирларини ҳам таклиф қилсак яхши бўларди.



Иқбол МИРЗО: — Адабиётнинг бош мақсади инсонийлик бўлса, мен шундай ўйлайман: масалан шоир муҳаббат ҳақида ёзаётган шеърлари билан ҳам Ўзбекистоннинг эртасига хизмат қилади. Шу ерда эътибор-хайрихоҳлик ҳақида яхши гаплар бўлди. Ёшлар ҳақида қайғурилди. Лекин умидли, иқтидорли ижодкорларни авайлаб асрашимиз керак. Бу деганим қаровсиз, ҳолимиз ҳароб деганиммас. Худога шукр, тўрт мучамиз омон. Ишлаяпмиз турли жойларда. Аммо адабий муҳит йўқ. Ҳамма ўзи билан ўзи овора. Кун ўтказиш билан банд. Шунинг учун мени бир ўй қийнайди, ҳам қувонтиради. Аввалларидек адабиётда давр-лаштириш деган нарса бўларди. Уруш даври, урушдан кейинги тинчлик-даври ва ҳоказо. Агар бир кун келиб шу бугунги кунни адабиётшунослар даврга бўлсалар, истиқлол даври ва бундан кейинги босқичларда менинг тенгдошларим Салим ё Ғулом, Зебо ё Гулчеҳра, Рустам ва бошқаларнинг ҳам номлари бўлишига ишонгим келади. Ўзбекистон бизларники. Унинг эртасининг буюклигиям ёруғлигиям рост. Бу катта карвоннинг юки енгил эмаслигини ҳам кўриб турибмиз.

Зебо МИРЗАЕВА: — Мени яна бир нарса ташвишга солади. Бугун пойтахтда ҳақиқий фидойилар юрибди. Агар улар ўз қишлоқларига кетсалар, биламан, яхши яшаб кетишади. Лекин бизларнинг пешонамизга битилган бу, билмадим, тақдирми, қисматми, Шеърият деган улуғ бир дард бор. Усиз яшолмаймиз. Тўғри, китоб чиқариш қийин. Менинг атрофимда ҳали уй-жойсиз, ҳатто пропискасиз юрган айрим иқтидорли тенгдошларимни биламан. Айниқса прописка масаласи ҳақида анчадан бери кўп гапирилади. Бир суюнаман, бир куюнаман. Хуллас эртанги кунга ишониб яшаяпмиз.

Азим СУЮН: — Мана, дўстлар, бугунги мулоқотимиз ҳам ниҳоясига етиб қолди. Ўйлайманки, бу даврада айтилган мулоҳазалар фақат шу давра иштирокчиларининггина эмас, балки кўнглини Ватан меҳри тўлдириб турган ва шу улуғ халқнинг қувонч-ташвиши билан яшаётган ҳар битта ижодкорнинг дил изҳорлари десам хато бўлмас. Бугун кўп самимий фикрлар билдирилди. Уларга муносабат билдириш ёки шарҳлашнинг ҳожати йўқ.

Энг қувончлиси, бизнинг газетамизда адабий давра пайдо бўлди. Мен тузилган адабий давранинг қандай фаолият юритиши хусусида батафсил тўхталмайман. Мутасаддилар режаларни белгилаб олишади. Энди фақат ғайрат билан ишлаш керак. Бу муборак остонадан кимлар ҳатламаган дейсиз. Бугунги кунда элнинг энг ардоқли ва суюмли шоир-ёзувчилари, қолаверса давлат арбоблари, зиёлилар, хуллас, яхши инсонлар (бу дунёдан ўтганларнинг охиратлари обод бўлсин!) учун ўзининг 75 йиллик тўйини нишонлаётган «Ўзбекистон овози» газетасининг эшиклари доимо очиқ бўлган. Бундан кейин ҳам очиқдир.

Шу ўринда мамлакатимиз Президенти бугунги ўтиш даврида ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уй-жой билан таъминлаш, рағбатлантириш борасида қатор хайрли фармонлар қабул қилганини таъкидлаб ўтиш жоиздир. Ёки ёзувчи ва шоирлардан иборат бир гуруҳ адибларни ўз ҳузурларига чорлаб, самимий, чин юракдан дардлашганларини бир эсланг. Орадан кўп вақт ўтмасдан «Истеъдод» жамғармасини тузиш тўғрисида фармон эълон қилинди. Буларнинг ҳамма-ҳаммаси юртбошимизнинг катта бир мамлакат халқининг ташвишлари қаторида эртанги куннинг эгалари бўлмиш ёшлар тўғрисида алоҳида қайғураётганидан далолатдир. Лекин ана шу хайрли фармонларни бажариш ва ҳаётга татбиқ этишда бироз лоқайдлик, эътиборсизлик сезиляпти. Ҳамон жойларда сансалорликлар кўп иқтидорли ёшларнинг китобларини чоп этиш, уларни уй-жой билан таъминлашда қийинчиликлар борлиги сир эмас. Биргина мисол: Президентимиз ёш ижодкорларга шароит яратиш, бинобарин уларни уй-жой билан таъминлаш хусусида Фармон чиқарган эди. Аммо ана шу уйларни тақсимлашда адолатли йўл тутиляптими? Бу жумбоқ. Шу муаммони одилона ҳал этишда назорат ўрнатилса яхши бўларди.

Хуллас, бугунги мулоқот баҳонасида аввало ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш ва истиқлол мафкурасини яратиш тўғрисида айтилган фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди. Давра суҳбатини якунлар эканмиз шу лаҳзаларда менинг кўнглимдан бир ёруғ умид ўтаётир. Ижодкори, зиёлиси уйғоқ халқнинг, миллатнинг эртаси ёруғ бўлади. Илло, ана шу ниятлар ҳар битта Ўзбекистон фуқаросининг йўлдоши бўлсин!

Давра суҳбатини
Норқобил ЖАЛИЛ
ёзиб олди.

• *Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзодлар*

УРГУТНИ БИР КЎРМАБСИЗ...

Моваройннаҳр, Туркистон, Турон... мустақиллигимиз шарофати билан қадриятлари қайта тикланаётган бу номлар тилга олинганда қалбларни жунбушга келтирадиган бир эзгу ҳис-ҳаяжон, нозик туйғу шууримизни қоплайди. Халқимизнинг ёдидан чиқариб ташлашга ҳаракат қилинган бу атамалар узоқ хорижларда тилга олинганида бевосита дунё маданий баҳри—уммонларини тўлдириб турган, илм-фан дарёларри баҳра олган Самарқанду Бухоро, Тошкенту—қадимий Термиз, Хиваю Қўқон, Марву Хўжанд шаҳарларри гавдаланади. Аммо бу сарчашмалар қаторида Шаҳрисабз, Риштон, Ғиждувон, Ахсикат, Косон каби ўзига хос булоқлар ҳам борки, бул муборак сарчашмаларни уларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Шулардан бири Самарқанд. Панжакент ва Шаҳрисабз тарихи, маданияти ва анъаналарининг қадимий томирларини муштарак бир илдиз сифатида сақлаб ва ривожлантириб келаётган, сервиқор тоғлар ва бағри, кўнгли кенг одамлар юрти ҳисобланмиш Ургутдир. Дарҳақиқат, генерал Фон Кауфман қўшинлари Жиззах ва Самарқандни, унинг атрофи билан қўшиб босиб олишганида ҳам Ургутнинг қўлга киритилиши осонлик билан кўчмаган. Кейинги йилларда меъморий анъаналаримиздан бошлаб миллий кийим тикиш санъатимизгача унут бўлаётган пайтда ҳам Ургут кўпгина бадиий санъат йўналишларини сақлаб қолди. Жумладан, кулолчилик, бадиий каштачилик, гилам ва палакдўзлик, бошқа кўпгина бадиий амалий санъат турлари, ҳатто келинларнинг кийинишиш-саломи ҳам замонавийлаштирилган бир замонда бу ёқда ўзига хослик сақланиб қолди.

Айниқса,, меъморчиликда ва иморатсозликдаги қадимий анъаналарнинг бугун ҳам ўзига хос тарзда давом эттирилаётгани таҳсинга лойиқ. Айниқса, шифобахш тоғ булоқларини истироҳат ва дам олиш жойларига айлантириш, бетон, пишиқ ғишт ва тоғ тошини биргаликда ишлатиб деворлар кўтариш, ўймакор устунлар билан ёғоч ўймакорлиги ва рангли нақшлар қўлланилган шифтларни, тўм бўғотларни (халқ уларни «қош» деб атайди) жимжимадор қилиб замонавий меъморчиликда қўлланиш фақат Ургутга хос десак лоф бўлмас. Шубҳага боряпсизми, унда яхшиси Ургутга бир келинг.

Бу ердаги ҳар бир янги иморат ўзгача тароват бахш этади. Ургутсой ёқалаб кетган шаҳар маркази савдо, маданий-маиший бинолар меъморий ансамбллар ҳолатида яратилмоқда. Уларнинг ўзагини Мустақиллик майдони мажмуи ташкил этади. Унинг ёнида қайта тикланган анъана Намозгоҳ — мусалло яратиш санъатини кўрасиз. Бу анъана ўрта асрларда халқимизни Рамазон ва Қурбон ҳайитлари куни бир жойга йиғиб ибодат ва истироҳат қилишини таъминлайди. Умумий овқатланиш муассасалари, янги ҳаммом, маиший хизмат кўрсатиш мажмуи, савдо иншоотлари, бозор, янги болалар боғчаси ва маъмурий бинолар — буларнинг ҳаммаси ўзига хос қилиб қурилган. Халқ амалий санъати ва маҳаллий иқлим шароити ҳамда анъаналарни қўллашга кенг ўрин берилган. Яна бир қувончли томони, маҳаллалар марказларини кўриб ҳайратга тушасиз. Айниқса, «Чорраҳа» маҳалла маркази меъморчилиги ажралиб туради. У ерда катта сарҳовуз атрофида чойхона, масжид, тиббий ва маиший хизмат хоналари йиғин ва томоша зали, маҳалла қўмитаси, савдо шаҳобчалари ягона ансамблни ташкил этади. Ғўс қишлоғидаги уйларни кўриб қишлоқ аҳлининг яшаш тарзи шаҳарликларникидан унча фарқ қилмаслигига ишонасан. Бу ягона қишлоқ эмас. Сойгус, Испанза, Гулистон ва яна бир қатор қишлоқлар ҳам бунга мисол бўлади. Диққатга сазовор жойи шундаки, буларнинг барчаси кейинги 2—3 йилда бунёд этилган. Ҳар бир қурилиш бошида халқ вакилларидан, эъзозли кишилардан саркор қўйилган. Бу ишларнинг барчасига туман ҳокими Ўлмас Маҳмадмуродов бошқош. Унинг ёнида меъмор Ҳошимхўжа Маҳамадиёров, Ҳар бир ишни кўпчилик билан бамаслаҳат қилишади.

Яна бир эътиборга лойиқ жойи шуки, бу ишларнинг асосий қисми маҳаллий харажатлар ҳисобидан қилинган. Хусусийлаштириш яхши йўлга қўйилганлиги туфайли кичик давлат ва шахсий корхоналар маблағларидан унумли фойдаланиляпти. Бундан ташқари, бошқа ерларда фаолият кўрсатаётган ургутликлар инвестицияси ҳам самара беряпти. Ургут туманидаги қурилиш ва меъморчилик фаолияти турғунлик йилларидаги ёмон иллат — давлат маблағини марказлаштириб, кўп йилларга чўзилиб чала қоладиган катта, дабдабали иморатлар қуриб эмас, балки қисқа вақтда халқ эҳтиёжини қондирадиган ва фойда келтирадиган иморат қуриш кераклиги ва мумкинлигини кўрсатмоқда. Янги замонавий ўзбек меъморчилигининг асосини яратишда чинакам тамал тоши қўйилди. Гапнинг индаллоси, кейинги йилларда Ургутда амалга оширилган қатор хайрли ишлар халқ тилига тушди. Катта-катта давраларда «Ургутни бир кўриб келинглар-да, кейин фикр қилинглар. Эртага бизлардан нималар мерос қолишини улардан ўрганиш керак», деган гап-сўзлар айтилади. Ниҳоят, 1991—1993 йилларда Ургут шаҳри ва қишлоқларининг бунёд этилиши лойиҳаси муаллифлари (иш раҳбари Ўлмас Маҳмадмуродов, Ҳошимхўжа Маҳамадиёров — меъмор, Улаш Жалолов — қурувчи, Мусо Ғуломов — меъмор) гуруҳи 1994 йилги меъморчилик соҳасидаги Алишер Навоий номидаги Давлат мукофотига номзод қилиб кўрсатилди.

Биз катта ишларнинг айримлари хусусидагина сўз юритдик. Қолганларини Ургутга борсангиз кўрасиз. Алқисса, ҳазрат Навоий айтганларидек:

Бу вужуд, ул юз эрур гул гунасиз.
Чун кўринур олдида гул гунасиз,
Юз қизиқлик йўқ турур, эй аҳли зуҳд
Ваҳки мункирсиз, — майи гулгунасиз.


Р. ХОЛМУРОДОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд Давлат меъморчилик қурилиш институти ректори, профессор.

М. АҲМЕДОВ,
меъморчилик факультети декани, профессор.

ШИФОКОРЛАР МАЛАКА ОШИРМОҚДАЛАР

Ўзбекистон Республикаси шифокорлар малакасини ошириш институтининг бир гуруҳ мутахассислари Наманган вилоятида бўлиб, икки ҳафта давомида «Соғлом турмуш тарзи» мавзуида ўқув машғулотлари ўтказишди. Ана шундай машғулотлардан бири вилоят саломатлик марказида ўтди. Унда вилоятдаги барча санаторий, профилакторийлар бош ҳакимлари иштирок этдилар. Вилоят саломатлик маркази бош ҳакими Ж. Фазлиддинов соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва қарор топтиришда марказ олиб бораётган ишлар тўғрисида маъруза қилди. Машғулотда қатнашган шифокорлар жойларда бу борада олиб бораётган ишлар ҳақида гапирдилар ва тажриба алмашдилар.

А. МАДАТОВ,
Наманган вилояти.



Тошкентда биринчи қор.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат-лавҳа.

• *Ахлоқ мавзуида*

...ОЙНАДАН ЎПКАЛАМАНГ

Қатортол маҳалласининг қутичадеккина чойхонаси одамлар билан гавжум. Ҳаммаси ҳазилкаш маҳаллалашлар эмасми, улар ўртасида бўлаётган нариданбери очиқ аския авжида. Гурунг айни қизиган пайтда бошида шляпа, бўйнига галстук таққан, асоли бир киши оқсоқланиб кириб келди.

У ўтирганлар билан сўрашиб, даврада ўзидан ёши улуғлар бўлишига қарамай ўзи «омин» деди. Ҳол-аҳвол сўрашиш у ёқда қолиб гапга тушиб кетди.

— Ўртоқлар! Гапимни эшитинг-а, бу қизиқ. Омад-одамзодга ҳаётда бир марта кулиб боқади. Ундан фойдаланган фойдаланиб қолади, фойдаланмаганлар эса оғзи очилиб қолаверади.

Ўтирганлар бу гапга бош қимирлатишди. Шунинг учунми у яна гапини давом эттирди:

— Мен асли секанинг секретари бўлишим керак эди, таниш-билиш йўқлиги сабабли ўсмай қолганман...

Ўтирган чойхўрлар бир-бирларига қарашиб пиқ-пиқ кулишиб қўйишди. Нарироқда чой ичаётгани беихтиёр қалқиб кетди. Ҳалиги одам яна гапга тушди:

— Маҳаллада қамалганларни озод қилиш учун махсус юридик малий предприятие ташкил қилганмиз. Унга мана-ман деган юристлар жалб қилинган. Мабодо, кимнинг ака-укаси қамалган бўлса, менга учрашсин, турмадан чиқартириб юбораман...

Ўтирганларнинг ичида ака-укаси қамалганлар йўқми, ҳеч ким бу ҳақда оғиз очмади. Аммо у киши оғзини тўлатиб кимга нима деса деб ўтирарди.

Эшитишимизча бу одамни Чилонзор туманида танимайдиганлар йўқмиш. Мабодо бу зотни танимайдиганлардан биронта чиқиб қолса, унинг ёқасидан олмаса ҳам сал мундайроқ қилар экан, яъни унинг қулоғига бир-икки соат ваъз ўқиб, ўзининг кимлигини тушунтириб қўяр экан.

Бу одамнинг чўнтакларида турли хил «удостоверениелар» тўла. У бир гапга тушса икки-кечаю икки кундуз тинмай гапира олади. Ҳар қандай асаби мустаҳкам кишининг асабларини тамбур торидай таранглаштириб, қон босимларини ошира олади. Ёш жувонларга ошиқу шайдолигини айтмайсизми?!

Энди буёғини эшитинг. М. исмли аёл асли Қозоғистоннинг Чимкент шаҳридан. Шу муштипар онанинг боласи қон касаллигига чалинган. Шунинг учун боласини тузукроқ шифокор топиб кўрсатиш ниятида Чимкентдан Тошкентга келади ва болалар қон қуйиш касалхонасига ётқизади. Шундай қилиб унинг бир оёғи Чимкентда, бир оёғи Тошкентда бўлади. Ана шундай пайтда қаҳрамонимиз билан учрашиб қолади.

— Синглим, сиз асли қаерликсиз?

— Чимкентликман.

— Кимингиз ётибди бу ерда?

— Болам.

— Э аттанг, аттанг... Чимкентдан қатнайсизми?

— Ҳа.

Бу одамнинг миясига гуп этиб бир нарса урди. У турган жойида ҳассасини тўқиллатиб яна гапга тушди:

— Эрингиз келса бўлмасмиди?

Аёлнинг хижолатдан эри йўқлиги сезилиб қолди.

Ҳалиги аёлнинг иши ўнгидан келгандай бўлиб юзига қон югурди, қандай миннатдорчилик билдиришни билолмай қолди. Аммо ўттиз минг сўм пули йўқлиги, атиги ўн минг сўмгина борлигини айтади. Ўн минг сўми, етмаганига қўлидаги билакузуклари ва бошқа тақинчоқларини олади. Ҳатто хотини яқинда ўлганини айтиб, аёлга уйланиш истагини ҳам билдиради.

Аёл — бу зиёли, галстук таққан кишининг хотини ўлганига ачинди. Сўнг, унинг бўйни қисилиб, руҳи эзилганини кўриб розилик берди. Орадан бир-икки ой ўтди. Бўйни қисиқ «куёв» аёлга уйланмади, уй ҳам олиб бермади. Ҳатто пул ва тақинчоқларини олганим йўқ деб турибди олди.

Ҳозир М. исмли аёл Қатортол маҳалласидаги 35-уйнинг бир хонадонида йиғлаб-сиқтаб ижарада турибди.

Бу кишининг маҳалла фахрийларига қандай «дастурхон ёзганлиги» ҳақида афсона юради. Маълум бўлишича, бу одам қўй сотиб олиш учун «Хизмат —беминнат» кичик корхонасидан пул сўрайди. «Агар — Синглим, менинг ҳамма идораларга гапим ўтади. Агар хўп десангиз битта уй олиб бераман. Мана бешта болам бор, қийналяпман деяпсиз ўзингиз, Фақат битта шарт, ордер ёзиб берувчиларга ўттиз минг сўм...

• *Спорт*

ФИНАЛЧИЛАР АНИҚЛАНДИ

Америкада ўтказиладиган жаҳон футбол чемпионатининг ҳал қилувчи учрашувида иштирок этадиган 24 жамоа аниқланди.

Ер юзидан 13 мамлакат терма жамоаси океан ортида бошланадиган футбол байрамига йўлланма олди. Жумладан, Германия, Италия, Швейцария, Норвегия, Голландия, Испания, Ирландия, Руминия, Бельгия, Греция, Россия, Швеция, Болгария терма жамоалари қизғин ва муросасиз баҳсларда чемпионлик учун курашадилар. Жанубий Америкадан Колумбия, Бразилия, Боливия ва Аргентина футболчилари финалга чиқадилар. КОНКАКАФдан жаҳон чемпионатининг ташкилотчиси сифатида АҚШ ҳамда мексикалик футболчилар ҳал қилувчи учрашувда иштирок этадилар. Африкадан уч жамоа — Нигерия, Марокко, Камерун мамлакатлари финалчи бўлишди. Саудия Арабистони билан Жанубий Корея футболчилари Осиё минтақасидан финалга йўлланма олишган. Финалчилар ўртасида қуръа ташлаш Лас-Вегас шаҳрида 19 декабрь куни ўтказилади.

КАТТА ФУТБОЛ СОВРИНДОРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси мамлакат футбол чемпионатининг якунлари бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланди.

«Йилнинг энг яхши футболчиси». Пахтакорчи Миржалол Қосимов ана шундай номга сазовор бўлди. Мамлакат чемпионлари номига сазовор бўлган «Нефтчи» жамоасининг ўйинчиси Рустам Дўрмонов «Моҳир тўпурар» деб тан олинди. «Нефтчи» — «Энг сермаҳсул жамоа» совринини олади. «Совриндорлардан ҳайиқмай» мукофоти «Нурафшон» жамоасига берилади. «Ҳалол ўйин учун» совриси Самарқанд динамочиларига насиб этди. «Ишончли дарбозабон» деб Наримон Осмонов («Нефтчи») баҳоланди.

• *Хабарингиз борми?*

МЕНДЕЛЕЕВ ЖАДВАЛИНИНГ СЎНГГИ ЭЛЕМЕНТИ АНИҚЛАНДИ

Илмий тақиқотларга кўра, Шарқий Ўзбекистон асосан олтин, кумуш, полиметаллар, кадмий ва фтор макони ҳисобланади. Айни замонда Ғарбий Ўзбекистонда ҳам олтин, вольфрам ва қисман полиметалл борлиги анчадан бери маълум. Эндиликда бу ер янги — кадмий маскани сифатида ҳам танилмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳабиб Абдуллаев номидаги Геология ва геофизика институти олимларининг кейинги йилларда ўтказган тадқиқотлари натижасида у ернинг вольфрам ва олтин конларида кадмийнинг дунёда ҳанузгача маълум бўлмаган (2—3,5 фоизга етадиган) даражадаги миқдорлари топилди.

Кадмий сийрак элементлар гуруҳига мансуб, кумушранг, юмшоқ, чўзилувчан маъдан. Нам ҳавода сатҳи юпқа парда билан қоплайиб қолади ва бу уни оксидланишдан сақлайди. Мазкур маъданнинг бу ноёб хислатлари унинг кўп соҳаларда ишлатилишига имкон яратади. Масалан, ундан фотоэлементлар ясашда, атом реакторларида, ишқорли аккумуляторларда, кадмий қотишмаларини тайёрлашда ва айниқса, пўлат буюмларни кадмийлаб, уларни занглашдан сақлашда ҳам кенг қўлланилади.

Институтимиз олимлари кейинги йилларда бу маъданнинг йирик миқдорларини Навоий, Самарқанд, Жиззах вилоятларидаги Қўйтош, Ингичка, Лангар ва Саритов вольфрам конларидан топдилар. Бундан аввал шу маъданнинг нисбатан йирик миқдорлари Ғарбий Ўзбекистоннинг олтин конларида ҳам мавжудлиги аниқланган эди. Шундай қилиб, вольфрам ва олтин конлари рудалар таркибидаги кадмий миқдори Шарқий Ўзбекистон конларидаги кадмий миқдорига нисбатан 5—10 марта зиёд бўлиб чиқди. Мазкур далиллар бу маъданнинг тарқалиш қўламини ва унинг заҳираларини белгилашни тақозо қилади. Бу нарса ўз навбатида уни олтин ва вольфрам конларидан комплекс равишда қазиб олишга имкон беради. Галдаги вазифамиз унинг умумий миқдорини, аниқ заҳираларини белгилашдан иборатдир. Бу иш Ўзбекистон геология ва минерал ресурслар қўмитаси геолог-қидирувчиларининг ҳам долзарб вазифасидир.

И. ҲАМРОБОЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

МИЛЛИОНЛАР МАКТАБИ

Профессор Абдурауф Фитратни «Шарқда шахмат» деган мақоланн ёзишга Файзулла Хўжаев ундаган экан. Буни ҳукумат бошлиғи шахсан ўзи учун эмас албатта, балки қадимда Турон халқи нималарга қодир бўлганлигидан оммани хабардор қилиш учун илтимос қилган. Шахмат тарихига оид бу мухтасар мақола 1928 йили босилиб чиққан бўлиб, ўша пайтларда жаҳон матбуотида эълон қилинаётган баъзи дабдабали фикрларга жавоб ҳам эди.

Йигирманчи йиллар шахмат жаҳон аҳлини ларзага келтирган давр бўлди. Чунончи, 1925 йили Москвада ўтказилган биринчи халқаро турнир иштирокчилари орасида жаҳон чемпиони кубалик Хосе Раул Капабланка билан яқинда унга тожни топширган германиялик Эмануил Ласкернинг борлиги бутун дунёда зўр эътибор билан кузатилди. Москвадаги «Метрополь» меҳмонхонаси теварагидан оломонни отлиқ аскарлар тартибга солиб турдилар. Трамвайда ҳам, кўчада ҳам ҳамма жойда шу мусобақа ҳақида гап борар, газеталар эса бутун-бутун саҳифаларини турнирда кечаётган воқеаларга бағишлардилар. Ўша кунлари ёш кинорежиссёр В. Пудовкин «Шахмат жазаваси» деган комедиясини суратга олиб экранларга чиқаришга улгурди. Бош роллардан бирини хушбичим чемпион Капабланканинг ўзи ўйнагани фильм муваффақиятини оширди.

Буни кўрган тошкентликлар ҳам мухлислар учун ажойиб томоша тайёрладилар. 1926 йили Эски жўва даҳаси биқинида жойлашган стадионда жонли шахмат ўйини намойиш қилинди. Шахмат доналари ролини одамлар, отлиқ аскарлар, пулемётчилар бажарганликларини қариялар ҳали-ҳали эслашади. Ўша кезларда «Шахмат жазаваси» бизда ҳам шунчалик кучайиб борардики, бунда газета ва журналларнинг роли беқиёсдир. Ўзбекистонда эски шатранж қоидаларидан халқаро ўйин қоидаларига ўтиш жараёнини тезлаштиришга даъват этганларнинг кўпчилиги «Қизил Ўзбекистон» газетачилари бўлганлигини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

1927 йили узоқ Буэнос-Айрос шаҳрида ўтказилган жаҳон бирлигини учун матчда афсонавий чемпион Х. Капабланкага қарши ҳамма тан олган А. Алехиннинг майдонга тушганлиги ўзбекистонлик мухлисларни ҳам бефарқ қолдирмади. Ҳатто Наманган мусофотида ташкил топган бир колхознинг номини «Қизил шахматчи» деб атадилар. Бу матч давом этиб турган бир пайтда Тошкентда дастлабки Урта Осиё шахмат турнири ўтказилгани ҳам бежиз эмас.

Айниқса қизил чойхоналарда шахмат билан боғлиқ ташкилий ишлар қизиб кетди, турнирлар, бир йўла ўйин сеанслари, суҳбатлар мунтазам ўтказиладиган бўлиб қолди. Республика газеталарида бирин-кетин шахмат бўлимлари очила бошлади. 1929 йили «Қизил Ўзбекистон» газетасида ташкил этилган шахмат бўлими унинг «Ер юзи» ҳафталиги ва бошқа нашрларида ўзбекларнинг бу қадимий ақлидрок ўйинини тарғиб қилиш кенг тус олди.

Бундан 60—65 йил муқаддам газета ва журналларимизда акс эттирилган шахмат диаграммаларию махсус ёзувларни кўриб, ҳавасингиз келади. Журналистлар-у ноширлар, муҳаррирлару матбаачилар меҳнатидан мамнун бўласиз. Уларда турли савиядаги шахматчилар ҳақида маълумотлар, мусобақалардан ҳисоботлар ва энг муҳими, улар ижодидан намуналар бериб боришарди. Бироқ махсус шахмат тўғрисида адабиётларни чиқариш ҳали йўлга қўйилмаганди. Бу ҳол «Қизил Ўзбекистон» саҳифаларида вақти-вақти билан танқид қилиб ҳам турилди. Танқиду, фикр-мулоҳазалар изсиз кетмади. 30-йилларнинг ўрталарида ҳукумат қарори билан республика шахмат клуби очилди. Етакчи шахматчиларнинг ўқув машғулотлари учун курслар очилиб марказдан етакчи мутахассислар жалб этилди. Натижада ўзбек шахматчилари орасида донғи кетган вакилларимиз етишиб чиқа бошлади.

Ўттизинчи-қирқинчи йилларда «Қизил Ўзбекистон»да эълон қилинган шахмат материаллари тагида кўпинча С. Фрейман, А. Теплов, Б. Перевозников каби таниқли шахматчиларнинг номлари қўйилган. Аммо афсуски, уларни ўзбекчалаштиришда муайян профессионал нўноқликлар кўзга ташланади.

Тақдир тақозосига кўра эллигинчи йилларнинг бошларида «Қизил Ўзбекистон», сўнгра «Совет Ўзбекистони» кейин «Ўзбекистон овози» саҳифаларида шахмат бўлими ёки шахмат бурчагига мутасаддилик қилиш камина зиммасида бўлиб келаётганидан фахрланаман. Қарийб 40 йил мобайнида мингдан зиёд мақола, репортаж, лавҳа, ҳикоя, очерк, корреспонденция, конкурс, ўқув материаллари эълон қилинибб, мухлислардан эллик мингдан зиёд мактуб олинганлиги улкан мулоқотдан далолатдир.

Кейинги 20—30 йил мобайнида ўтказилган жаҳон биринчилиги матчларини мунтазам ва атрофлича бериб борган газеталар орасида ўта оперативлиги билан ажралиб турган «Совет Ўзбекистони», — «Ўзбекистон овози»нинг фахр билан тилга олинишида гап бор: Муҳаррирлар ҳамиша бунга шароит яратиб берардилар.

Шундай шароит яратишга бевосита, баъзан билвосита кўмаклашган газета жамоа аъзоларидан Холбек Ёдгоров, Ҳабиб Нўъмонов, Ёқубжон Шукуров каби устозларни алоҳида тилга олгим келади. Бўш вақт топилди дегунча улар бирон жойга тўпланиб, шахмат мажлисини бошлаб юборишарди. Албатта, ажойиб юриш ҳолатларига монанд ҳазил-мутойибали сўзлар айтишарди.

Эллигинчи йилларнинг охирлари эди. Ахборот бўлимида шахмат баҳси авжида экан. Яқинлашмоқчи бўлувдим, Ёқубжон ака шартта йўдимни тўсиб:

— Қўяқол, Мамажон, ўйинимиздан кўнглинг айниб кетмасин, — деди кулимсираб.

— Шунақа денг. Ёқубжон ака. Бўлмаса, мен мақола олиб келганда ҳам шунақа бўларкан-да, — дея писанда қилдим. Жавоб шахматча бўлганидан мамнун бўлди ёзувчи. Журналистларга хос қалам тебратиш йўл-йўриқларини асосан мана шу даргоҳда ўрганганимдан фахрланаман.

40 йил давомида битилганларни тартиб билан альбомларга ёпиштириб бориш одатим бор. Альбомлар сони олтитадан ошибди.Шартли ҳажми тахминан 300 минг газета сатрига тенг. Мунтазам кузатиб борувчи мухлисларни фикрича, сара сатрлар йиғиндисидан ҳар бири ўртача 200 саҳифани ташкил этувчи ва яна 10 тача китоб тартиб этса бўлармиш. Раҳмат, азизлар! Бунга, газета тенг шерик!

Гоҳо-гоҳо мақолаларга қўйилган сарлавҳалар хусусида ҳам гап бўлиб туради. Чунончи, «Қаттиқроқ селга тўсиқ писандмас», «Зўр зўр-да!», «Буни жавоб дейдилар» каби сарлавҳалар қачон ва қайси мақолаларга қўйилганлигини суриштириб уйимга келганликлари ҳам рост.

Газетада турли саналарга бағишлаб конкурслар эълон қилганимизда бир-икки викторина саволларни қўшиб қўямиз. Келинг, таҳририятга келган минг-минглаб жавоблардан намуналарни ўқиб чиқинг-да, мухлисларимиз шахмат савиясига холисона баҳо бера қолинг.

Нишонбой АБДУВАЛИЕВ, наманганлик кекса ўқитувчи:

— Шахмат ноаниқ тушунчаларни ойдинлаштиради, фикрлаш, тасаввур қилиш қобилиятини ўстиради, ҳафсаласизликни, паришонхотирликни, тавакалчиликни йўқотади, ютуқлардан эсанкирамасликка, хавф-хатардан чўчиб, ўни йўқотмасликка ўргатади. «Етти ўлчаб бир кесишга, буни ҳам тез ва соз бажаришга одатлантиради. Ана шунинг учун ҳам биз шахматни севамиз. Шу боис, «Ўзбекистон овози» саҳифаларида босилаётган саволу вазифалар биз учун дорилфунунга айланмоқда.

Рўзивой ЮСУПОВ, Қўрғонтепа районидаги Навоий номли колхоз сувчиси, 35 ёшда:

Конкурс бизга ўхшаш чекка қишлоқларда яшовчилар учун катта бир байрам. Газетада эълон қилинган конкурс туфайли шахмат сотиб олдим, болаларга ўргатишга ҳам имконият туғилди.

«Ўзбекистон овози» газетасининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилган конкурс географияси ва оммавийлиги жиҳатидан олдингиларидан ўтиб тушганди. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва ҳатто Украина республикалари, Россия Федерацияси шаҳар ва қишлоқлардан тахминан 50 минг саҳифани ташкил этувчи 15000 тагача жавоб мактубларни келди!

Тўлқин ВАЛИБОЕВ, оққўрғонлик фотограф:

— «Ўзбекистон овози»да берилган «Шахмат алифбоси» менга йўлчи юлдуз бўлиб туюлди. Энди мен ажойиб шахматчилар ижод намуналарини бемалол мутолаа қиладиган бўлиб қолдим.

Бинобарин, севимли газетамизнинг узоқ йиллик серқирра фаолияти машҳур немис мутафаккири ва шоири В. Гёте таъбири билан айтганда «Ақл тоши» бўлган қадимий шахматимиз ривожига қўшган ҳиссаси — миллионларнинг дона суриш бобидаги сиртқи дорилфунунга айланган, десак муболаға бўлмас.

Мамажон МУҲИДДИНОВ,
Ўзбекистон Республикаси шахмат федерациясининг вице-президенти.

Тошкент Давлат аграр университети жамоаси Ўзбекистон тарихи кафедраси мудири, доцент Б. Худоёровга онаси

Норжон ХУДОЁРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ


Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624.
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

РЎйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—635. № 223. топширилди — 0.40.
Навбатчилар: К. РИХСИЕВ, А. РЎЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.

1 2 3 4 5 6.